Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● 1995 йил 18 ноябрь, шанба ● № 91 (10.767) ● Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ: ЎЗАРО ИШОНЧ — ҲАМКОРЛИГИМИЗ АСОСИ

Илгари хабар қилинганидек, 14-16 ноябрь кунлари Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси расмий ташриф билан Германияда бўлди.

Германия Федератив Республикаси Ўзбекистон билан кенг миқёсда иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўяётган дунёдаги энг тараққий этган давлатлардан биридир. Шуниси қувончлики, бу ҳамкорлик доимий равишда кенгайиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўтган йилги товар айирбошлаш ҳажми 209,2 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич шу йилнинг тўққиз ойидаёқ 226 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлди. Ўзбекистондаги 60 га яқин корхона германиялик сармоячилар иштирокида фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, «Мерседес-бенц», «Алкатель», «Сименс» каби фирмалар. К. Аденауэр жамғармаси мустақил Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигининг кашшофлари бўлиб, самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

Баден-Вюртемберг федерал ери эса Германиянинг энг саноати ривожланган, қудратли музофотларидан бири ҳисобланади. У ўзининг теран маданияти билан ҳам шуҳрат қозонган. Ислом Каримов Германияга ўз ташрифини шу ердан бошлади. Бунинг сабабларидан бири Штутгартдаги «Линден» — музейида «Буюк ипак йўли ворислари: Ўзбекистон» кўргазмасининг очилиши эди.

Давлатимиз раҳбари 15 ноябрь куни Германиянинг «СЛ» меморлик — конструкторлик компанияси томонидан ишланган «Имом ал-Бухорий мақбараси» мажмуи лойиҳаси билан танишди. Лойиҳа бош меъмори доктор Бодо Раш билан исломий меъморликнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида суҳбатлашди. Буюк аллома — имом ал-Бухорийнинг Ислом оламида тутган ўрни беқиёслигини, зеро унинг мақбараси ҳам дунёдаги машҳур қадамжолардан қолишмайдиган даражада бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Шундан кейин ўзбекистонлик меҳмонлар Штутгартдаги ҳукумат уйи «Янги қаср» қароргоҳига йўл олдилар. Бу ерда давлатимиз раҳбари Баден-Вюртемберг федерал ери Бош вазири ўринбосари, иқтисодиёт вазири Дитер Шпёри билан учрашди.

— Ўзбекистонга бизнинг қизиқишимиз катта, — деди Д. Шпёри. — буни шундан билса бўладики, сентябрь ойида Тошкентда ўтган кўргазмада қарийб 100 та фирмамиз қатнашди. Германиянинг иқтисодий қудрати — ўрта ва кичик тадбиркорликнинг тараққий этганидадир. Чунки нисбатан мўжаз корхоналар бозор талабига тез мослашади. Бизда катта-катта концернлар ҳам ана шундай мустақил бўлинма — кичик корхоналардан иборат. Бу йўлда Баден-Вюртемберг ери ҳукумати ўз тажрибаси билан бажону дил ўртоқлашади.

Суратда: Германия Республикаси Федерал Президенти Роман Герцог билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов.

Фарҳод КУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бораётгани қайд этилди. Унинг истиқболлари тўғрисида, хусусан, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда Ўзбекистон ва Баден-Вюртемберг фирмалари ўртасида алоқа боғлашга келишиб олинди.

Шу куни пойабзаллари оламга машҳур «Саламандер», шунингдек «АББ», «Круп» концерн ва фирмалари раҳбарлари билан ҳам учрашув бўлди. Ислом Каримов уларга Ўзбекистонда хорижий ишбилармонлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар хусусида гапириб берди. Ислом Каримов дунёга донғи кетган концернлардан бири «Даймлер — бенц»нинг Штутгарт — Миёрингемдаги қароргоҳига ташриф буюрди. Маълумки, биз билан яқин алоқа боғлаган «Мерседес-бенц» фирмаси ҳам мазкур концерн таркибига киради. Бу ерда концерн раҳбарлари билан мулоқот бўлди.

— Биз «Мерседес-бенц» орқали Германияни кашф этган эдик, — деди Ислом Каримов мулоқотда. — Германия орқали эса Европани кашф этмоқчимиз. Чунки, Германия тимсолида ишончли, сўзида қатъий ҳамкорни кўрамиз. Биргаликдаги фаолиятимизнинг дастлабки натижалари бу фикрни тўла тасдиқлаб турибди. Умуман ўзбек ва немис халқлари ўртасида уйғун жиҳатлар жуда кўп. Бу аввало очиқ кўнгиллик, тартиб-интизомга қатъий риоя қилиш, меҳрибонлик ва, энг муҳими, бир сўзлиликдир. Ана шу фазилатлар ҳамда ўзаро қатъий ишонч ҳамкорлигимизни ривожлантиришга асос бўлади.

— Биз Сизни самимий дўст деб биламиз, — дейди «Даймлер — бенц» концерни бошқаруви раиси Юрген Шремпп Президент Ислом Каримовга — Сизнинг улкан давлат арбоби, сиёсатдон эканингиз, айниқса, иқтисодиёт масалаларини теран тушунишингиз бизга маълум, Ўзбекистондаги сиёсий ислоҳотлардан, уларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганидан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасидаги ҳаракатлардан хабардормиз ва Сизнинг бу йўлингизни тўла эътироф этамиз. Бу соҳада ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Айниқса, менимча, авиация, юк ва йўловчи ташиш, сайёҳлик ва молиявий таъминот соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш учун имкониятларимиз катта. Мен Сизни ҳар хил ғояларни ўртага ташлашдан кўра, уларни амалга оширишни хуш кўрадиган арбоб сифатида биламан. Шундай экан, ҳамкорлигимиз истиқболлари самарали бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Учрашув ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси билан «Даймлер—бенц» концерни ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш хусусида битим қабул қилинди. Уни Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов ва концерн таркибига кирувчи «Дебис АГ» фирмаси бошқаруви раиси К. Мангольд имзоладилар.

Президентнинг Германияга бу галги ташрифи дастуридан иқтисодий масалалардан ташқари, маданий тадбирлар ҳам кенг ўрин олганди.

— Маданиятни камол топтирмасдан иқтисодиётда юксак натижаларга эришиб бўлмайди, — деди Ислом Каримов. — Бу гап давлатлар ўртасидаги алоқаларга ҳам тегишли. Чунки, ҳар бир давлат ким билан ҳамкорлик қилаётганини, мазкур халқнинг руҳиятини, табиатини, қисқача айтганда, маданиятини билиши керак. Шу маънода, Германия бизга ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам буюк маданияти билан ишончли ҳамкор бўла олади. Қолаверса, мен БМТнинг 50 йиллигига бағишлаб Нью-Йоркда ўтказилган тантанали йиғилишда Германия Федератив Республикасини Хавфсизлик кенгашига доимий аъзо бўлиши ҳақидаги таклифни бежиз олға сурмадим. Зеро, Германия бунга ҳар жиҳатдан муносибдир.

«Линден-музей» Баден-Вюртемберг ерининг энг нуфузли маданий марказларидан биридир. Бу ерда «Буюк ипак йўли ворислари: Ўзбекистон» кўргазмасининг очилиш маросими бўлди. Кўргазмага қўйилган осори атиқалар Туронзамин халқларининг қарийб уч минг йиллик тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Маросимда Президент Ислом Каримов бой тарихий меросимиз, халқимиз руҳиятининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапирди. Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек каби буюк салафларимизнинг давлатчилик, маданият, илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида батафсил сўзлади. Мазкур кўргазма ўзбек ва немис халқларини бир-бирига яқинлаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Қадимий Буюк ипак йўли қайта тикланиб, Шарқ билан Ғарб халқларига нафақат моддий товарлар, балки маърифат ва маданият, фаровонлик ва саодат элтувчи йўл бўлиб қолишига ишонч билдирди.

Ислом Каримов Германия Федерал Президенти Роман Герцог ҳамрохлигида кўргазмани кўздан кечирди. Ўзбек санъаткорлари йиғилганлар учун концерт намойиш этди.

16 ноябрь куни мамлакатимиз делегацияси аъзолари Германия Федератив Республикаси пойтахти — Бонн шаҳрига келдилар. Ислом Каримов ўзи учун ажратилган «Петерсберг» ҳукумат қароргоҳида Германия Федератив Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги давлат котиби Л. Шомейрус билан учрашди. Суҳбатда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада такомиллаштириш борасида фикрлашилди.

Сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда делегация аъзолари Германия Федерал Президентининг «Ҳаммершмидт» қароргоҳига йўл олдилар. Ўзбекистон ва Германия байроқлари билан безатилган қароргоҳ олдидаги майдонда Президент Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Қароргоҳда Ислом Каримов ва Роман Герцогнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Ислом Каримов қароргоҳдаги фахрий меҳмонлар китобида дастхат қолдирди. Германия Федерал Президенти Роман Герцог ва Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқ сўзлади.

Шу куни Ислом Каримов Германия Федератив Республикаси парламенти - Бундестагда бўлди. Бундестаг парламентнинг юқори палатаси бўлиб унга 600 депутат сайланади. Қуйи палата эса мамлакатнинг 16 федерал ерлари вакилларидан иборатдир. Бу ерда Ислом Каримов ГФР Бундестаги раиси Рита Зюсмут билан учрашиб, парламент фаолияти билан танишди. Шундан сўнг «Петерсберг» қароргоҳида Ўзбекистон ва Германия расмий делегациялари музокаралари ниҳоясида қабул қилинган ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида ҳаво йўли ҳақидаги ҳамда уюшган жиноятчиликка, терроризмга ва ўта хавфли жиноятларга қарши кураш борасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро ҳужжатларни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов, Германия ташқи ишлар федерал вазири К. Кинкель, Германия ички ишлар вазирлиги давлат котиби К. Шельтер имзоладилар.

Президент Ислом Каримов Германия ташқи ишлар федерал вазири К. Кинкель билан суҳбатлашди. Суҳбатда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, уни фирма ва концернлар даражасидан мамлакатлар миқёсига кўтариш масалалари муҳокама этилди.

...Ташриф кунлари Штутгартда ҳам, Боннда ҳам ҳаво халқларимиз қалбини акс эттирган каби очиқ, ёруғ бўлди. Сафар ниҳоясида эса ёмғир ёға бошлади. Ёмғир қут-барака рамзи дейдилар. Табиат ҳам ҳамкорлигимизга ривож, халқларимизга бахт ва фаровонлик тилаётган бўлса, не ажаб.

* * *

17 ноябрь куни Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

Аҳмад ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Штутгарт — Бонн — Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НУТҚИ

Федерал Президент жаноби олийлари!

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Германия диёрида делегациямизга кўрсатилган қайноқ ва самимий меҳмондўстлик учун чин дилдан миннатдорлик билдиришимга ижозат бергайсизлар.

Энг аввало Ўзбекистон — Германия алоқаларининг ривожланиш жараёни тобора қизғин паллага қираётганини алоҳида мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Ҳамкорлигимиз атиги бир неча йил бурунгина бошланган бўлишига қарамай, биз бугуноқ бу ҳамкорлик ўзаро фойдали ҳамда Германиянинг ҳам, Ўзбекистоннинг ҳам узоқ муддатли манфаатларига мос экани тўғрисида хулоса чиқаришимиз мумкин.

Германиянинг Европада ҳам, бутун дунёда ҳам улкан нуфузга эга экани унинг иқтисодий қудрати билангина эмас, бу давлатнинг маънавий ва маданий мероси бойлиги билан ҳам изоҳланади.

Шунинг учун ҳам ҳамкорлигимиз тўғрисида гапирар эканмиз, биз тобора мустаҳкамланиб бораётган савдо-иқтисодий алоқаларнигина эмас, маданият, санъат, таълим ва илм-фан соҳасидаги ўзаро алоқаларни ҳам назарда тутамиз.

Кеча Буюк ипак йўлига бағишланган кўргазманинг очилиш маросимида иштирок этар экансиз, бизнинг ўлкамиз қадим-қадимдан Ғарб-Шарқ мамлакатларини боғловчи кўприк бўлиб хизмат қилганига ўзингиз ҳам амин бўлган бўлсангиз керак, жаноб Президент.

Бугунги кунда биз Буюк ипак йўли анъаналарини қайтадан тикламоқчимиз.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг Ғарб учун ҳам, Шарқ учун ҳам очиқ бўлиб қолди. Биз барча мамлакатлар билан ўзаро фойдали шериклик асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз, ҳозир жуда кўп мамлакатлар билан ана шундай ҳамкорлик қиляпмиз ҳам.

Алоқаларимиз ҳақида гапирар эканман, мен гуманитар алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишни истар эдим. Чунки мана шу алоқаларни ривожлантириш орқалигина Буюк ипак йўлини янги мазмунда тиклаш, рамзий қилиб айтадиган бўлсак, унга иккинчи ҳаёт бахш этиш мумкин бўлади.

Шу муносабат билан, назаримда, бугун имзоланадиган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Германия Федератив Республикаси ҳукумати ўртасидаги ҳаво йўли ҳақидаги битим муҳим аҳамият касб этади.

Биз Германия ва бошқа Европа мамлакатлари билан бу соҳадаги ҳамкорликнинг кенгайиши бизга яна Шарқ билан Ғарбни боғловчи муҳим йўлларнинг ўртасида туриш имконини беради, деб умид қиламиз. Эндиликда бу йўллар карвон сўқмоқларидан эмас, энг замонавий ҳаво лайнерлари солган осмон йўлларидан иборат бўлади.

Муҳтарам Федерал Президент жаноблари!

Бутун жамиятимиз оёққа туриш, янгиланиш руҳи билан яшамоқда. Биз ислоҳотлар йўлидаги дастлабки, энг қийин, бироқ шу билан бирга энг муҳим босқични босиб ўтдик.

Бу йўлдаги энг улкан ютуғимиз — Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотларнинг тобора юксалиб бораётгани, халқимизнинг бу ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётганидир.

Ислоҳотлар аллақачон сезиларли натижалар бермоқда. Миллий даромаднинг ярмидан кўпроғини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва савдонинг деярли бутун ҳажмини тобора ўсиб бораётган давлатга қарашли бўлмаган сектор бермоқда.

Ўртача ва йирик давлат корхоналарини акционерлик жамиятларига айлантириш жадал бормоқда. Хорижий фуқаролар ҳам бу корхоналарга тегишли қимматли қоғозларга эга бўлиши мумкин.

Миллий валютани мустаҳкамлаш ва пул қадрсизланишининг олдини олиш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Пул қадрсизланиши даражаси йил бошида 16 фоиздан ортиқ бўлган бўлса, бугунги кунда у ойига атиги бир фоизни ташкил этмоқда.

Ўзингиз яхши биласизки, тоталитар тизимдан эркин бозор иқтисодиётига, демократик фуқаролар жамиятига ўтишнинг тайёр моделлари йўқ ва бўлмайди ҳам.

Биз ҳозир сиёсий, иқтисодий, ижтимоий янгиланишларнинг дастлабки босқичида турганимизни яхши англаймиз.

Биз учун энг муҳими — кишилар тафаккури, уларнинг фикрлаш тарзини ўзгартириш, биз учун ҳали янги бўлган демократик қадриятларни уларнинг шуурига сингдиришдан иборат.

Мен бир нарсага аминман:

мамлакатимизда мулкдорлар синфи, шунч алоҳида таъкидламоқчиманки, майда ва ўртача мулкдорлар синфи пайдо бўлганидагина (барчанинг қашшоқона тенглиги эмас) жамиятимизнинг фаровонлик ва демократия сари барқарорлик билан ва дадил бора олишини таъминлаш мумкин бўлади.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир киши учун фақатгина барқарорлик ва хавфсизлик, миллий ва фуқаролар тотувлигигина республикада ислоҳотлар ва янгиланишларнинг муҳим гарови ҳисобланади, деган оддий ҳақиқат аён бўлиб қолган.

Биз янгиланиш, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан дадил ва изчиллик билан бормоқдамиз.

Бир нарсани таъкидламоқчи эдим: гарчи биз иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича ўз йўлимизни танлаган бўлсак-да, Германия сингари иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тажрибасига катта қизиқиш билан қараймиз. Биз Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси, кўпгина банклари, компаниялари ва албатта Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси сингари нуфузли муассасалари Ўзбекистондаги янгиланишлар ва ислоҳотларга қўшаётган улкан ҳиссасини миннатдорлик билан қайд этишни истар эдик.

Ўзбекистон — Германия муносабатлари ҳақида гапирар эканмиз, биз Германия Европа Иттифоқининг йирик мамлакати ўлароқ Ўзбекистон Республикасининг Европадаги ташқи сиёсатида ўз манфаатларини амалга оширишида кўмаклашишга қодирлиги, Ўзбекистон Республикаси эса, ўзининг Марказий Осиёда тутган жўғрофий-сиёсий мавқеидан келиб чиққан ҳолда, ГФРнинг минтақамиздаги манфаатларини амалга оширишдаги интилишларида ишончли шерик бўла олишини назарда тутамиз.

БМТнинг яқинда нишонланган 50 йиллик юбилейи жаҳон ярим аср мобайнида қанчалар ўзгариб кетганини кўрсатди. Янги шарт-шароит, Германиянинг халқаро ҳаётда тутган янгича ўрнини ҳисобга олган ҳолда биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотини қайта ташкил этиш ҳамда Германияни БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари сафига киритиш заруллигига қатъий амин бўлдик.

Германиянинг ташқи сиёсати, кўплаб оламшумул долзарб муаммоларни ҳал этишда унинг иштироки кўпайиши — юз бераётган жараёнларга улкан таъсир кўрсатаётгани бугунги кунда барчага аёндир.

Мамлакатингиз амалга ошираётган фаол халқаро гуманитар сиёсат ҳам ҳайратомуздир.

Шу муносабат билан, Сизнинг, жаноб Президент, ҳомийлигингизда фаолият кўрсатаётган «Германия агро акция» ташкилотини алоҳида қайд этишни истар эдим. Ўзбекистон ўтган ойда бу ташкилот билан ҳамкорлик ҳақида битим тузди.

Федерал Президент жаноби олийлари!

Шу йил бошида Давосда сўзлаган нутқингизда Сиз халқаро жиноятчиликни, шу жумладан наркотик моддалар савдоси ва сиёсий террорчиликни ҳам, жиловлашга эътиборни қаратган эдингиз. Сиз бу муаммо қийинчиликлардан кўз юмишни эмас, воқеаларни олдиндан кўра билиш ва уларнинг олдини ола билишни талаб этишини қайд этган эдингиз. Ҳақиқатан ҳам фалокат оқибатларини тугатишдан кўра, унинг олдини олиш осонроқ кечади.

Бу масалада бизнинг нуқтаи назарларимиз бир-бирига мосдир. Бугун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Германия Федератив Республикаси ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, террорчилик ҳамда бошқа хавфли жиноят турларига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланишини мамнуният билан қайд этишим мумкин.

Мазкур битим бу ишга масъул тузилмаларимиз ўртасида ҳозирнинг ўзидаёқ мавжуд бўлган ўзаро ҳаракатларга ҳуқуқий асос бахш этади.

Муҳтарам Федерал Президент жаноблари!

Сизнинг шу йил апрель ойида Ўзбекистонга ташриф буюришингиз ўзаро муносабатларимизга кучли туртки бўлди. Шу билан бирга бу ташриф Сиз ҳамда рафиқангиз ҳақида камтарин ва самимий, юксак заковат ва маданиятга эга инсонлар деган ўчмас таассурот қолдирди.

Германия раҳбарлари ҳақида гапирар эканмиз, биз Германия халқи, ўзимиз узоқ муддатли ва ишончли алоқалар ўрнатмоқчи бўлган давлат ҳақида фикр қиламиз.

Бизнинг мазкур босқичдаги асосий вазифамиз — ўртамизда эришилган аҳдномаларни тезроқ ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Биз мана шу йўлдан боравериш қатъий аҳд қилганмиз.

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ФЕДЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТИ РОМАН ГЕРЦОГ НУТҚИ

Жаноб Президент,

Муҳтарама Каримова хоним,

Боннга хуш келибсиз. Сизнинг икки ярим йил аввал Германияга буюрган дастлабки ташрифингиз ҳали ёдимиздан чиққани йўқ. Ўзбекистон мустақиллигининг шу қисқа даврида Сизнинг Боннга иккинчи марта келишингиз ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги яхши ва тез ривожланаётган муносабатларнинг белгисидир.

Мен ва рафиқам шу йил апрель ойида — Ўзбекистонга буюрган расмий ташрифимизни мамнуният билан эслаймиз. Ўшанда Сиз бизни ҳайратга соларли даражада меҳмондўстлик билан кутиб олган эдингиз. Самарқанд ва Бухоронинг ажойиб тарихий меъморлик ёдгорликлари ҳали кўз ўнгимизда турибди, улар бизнинг назаримизни Улуғбек ва Темур даврига қаратган эди.

Кеча Штутгартда Сиз билан биргаликда Буюк ипак йўли ҳақида ҳикоя қилувчи ажойиб кўргазмани очиш шарафига муяссар бўлган пайтимда ўша манзаралар яна кўз олдимда намоён бўлди. Бу кўргазма кўп немисларни мамлакатингизнинг узоқ ва жозибали тарихи билан таништиради.

Ўзбекистон мустақил давлатга айланганидан хурсандмиз. Бу давлатни барпо этиш чоғида демократия ва фикрлар хилма-хиллиги йўлини қатъий танлаб олдингиз. Биз бу йўлнинг тўғрилигига ишонамиз ва Сизнинг бу йўналишдаги ҳозирча оҳиста қўяётган қадамларингизни зўр ҳурмат билан кузатиб турибмиз. Турли фикрларни ифода этиш мумкин бўлган демократик жамият давлат барқарорлигининг энг ишончли кафолати эканлигига ишончимиз комил.

Германия билан Ўзбекистон фақат икки томонлама асосда эмас, шу билан бирга Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлиқ ташкилоти доирасида ҳам, шунингдек Шимолий Атлантика ҳамкорлик кенгашида ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда. Марказий Осиёда хавфсизликни олис келажаккача мустаҳкамлашнинг турли йўллари мавжуд. Шу йилнинг сентябрь ойида Тошкентда Марказий Осиё хавфсизлиги борасида ўтказилган семинар бу ишга Сиз қўшган ҳиссадир. Бу иш эндиликда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти доирасида давом этиши керак. Биз ишончни мустаҳкамлаш чоралари ва хавфсизлик соҳасида Сизга маслаҳатларимиз ва тажрибамиз билан ёрдам беришга тайёрмиз.

Буюк ипак йўли олдинги асрларда бири-биридан олисда жойлашган Ўзбекистон ва Германия каби мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқалар мавжуд бўлганининг далил-исботларидан бири холос. Ҳозирги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ тез ривожланаётганидан фахрлана оламиз. Бир қанча немис фирмалари ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистонда ё ўз лойиҳалари билан, ёки қўшма корхоналар бўйича шерик сифатида иш олиб бормоқда.

Сизга маълумки, тадбиркорларимиз хорижда давлат ҳокимиятининг кўрсатмаси билан эмас, балки иқтисодиёт ижобий тарзда ривожланишига ишонч ҳосил қилгандагина фаоллик кўрсатади. Демоқчиманки, немис фирмаларининг Ўзбекистонга қизиқиши унинг келажагига бўлган ишончнинг белгисидир. Равшанки, биз бундан буён ҳам иқтисодиёт тараққиёти учун яхши шароит яратишга биргаликда кўмаклашишимизга тўғри келади.

Мамлакатингиз ва қўшниларингизнинг Совет Иттифоқи парчаланиши натижасида кўп сонли эски савдо алоқалари узилиб қолгандан сўнг янги иқтисодий маконини барпо этишга қаратилган саъй-ҳаракатларингизни эўр қизиқиш ва ҳайрихоҳлик билан кузатиб турибмиз. Биз Европада божхона тўсиқлари савдо-сотиқда иштирок этувчи барча шерикларнинг иқтисодий тараққиётига узоқ муддат зарар етказади деган, хулосага келганмиз. Бироқ, савдо муносабатларини сиёсий муносабатлар каби, барча шерикларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида ривожлантиришимиз зарур. Иқтисодий устунликдан сиёсий мақсадларни кўзлаб фойдаланиш мумкин эмас.

Сизнинг мамлакатингизда қирқ мингга яқин немислар яшайди. Бу немисларнинг кўпчилиги ёки уларнинг ота-оналари Ўзбекистонга уруш вақтида халқларни ялпи кўчириш натижасида бориб қолган. Сизнинг ватандошларингиз Германия бошлаган урушдан, қатағондан ўзлари азоб тортганларига қарамай, немисларни меҳмондўстлик билан қабул қилиб олишди. Биз бундан жуда миннатдормиз.

Ана шу аҳолининг қисман кўчиб кетаётганини Ўзбекистон ўзи учун зарар деб тушунаётганини биламан. Кўчиб келаётган немисларнинг Германияда қўникиб кетиши ҳам осон эмас. Эшикларимиз немислар учун ҳамиша очиқ, шу билан бир вақтда биз мамлакатингиздаги немислар узоқ келажакда ҳам Ўзбекистонда бой-бадавлат ва тенг ҳуқуқли фуқаро сифатида яшаш имкониятига эга бўлишлари учун Сизлар билан ҳамкорлик қилишни хоҳлаймиз. Германия-Ўзбекистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг ўтган ҳафтада Боннада бўлиб ўтган биринчи сессияси шу мақсадга хизмат қилди. Биз сизлар билан ҳамкорликни давом эттиришни хоҳлаймиз.

Президент ва Каримова хоним, Сизларга эсон-омонлик тилайман. Германия билан Ўзбекистон ўртасидаги яхши муносабатлар янада ривожланаверсин.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

16 НОЯБРЬ куни Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Э. М. Рузиев бошқарди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди.

М. Солиҳова бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасидан озод этилди. Вилоят ҳокимлиги давлат ва ҳуқуқ бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлаб келган С. Хўжаева вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб сайланди ва вилоят ҳокимининг муовини этиб тайинланди.

Пленум ишида Ўзбекистон республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Руломова сўзга чиқди.

«Соғлом авлод учун»

60 МИНГ ДОЛЛАРЛИК ХАЙРИЯ

КУНИ кеча «Соғлом авлод учун» вилоят жамғармаси бўлимига Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси жаноб Укеру Магосаки ташриф буюрди. Учрашувда республика «Соғлом авлод учун» жамғармаси раиси Г. Йўлдошева, Тошкент вилояти ҳокими муовини Д. Жаҳонгирова, «Соғлом авлод учун» вилоят жамғармасининг раиси Ж. Роҳатова, Чирчиқ шаҳар ҳокими муовини З. Шомадиева, бир гуруҳ тиббиёт мутахассислари ва журналистлар иштирок этишди.

Японийлик вакиллар вилоятимизга 60 минг долларлик тиббий асбоб-ускуналар келтирдилар. Ушбу тиббий жиҳозлар Чирчиқ шаҳри туғруқхонасига юборилади. Вилоятимиз вакиллари кўрсатилган бундай ҳайрия ёрдами учун меҳмонларга ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Шундан сўнг жаноб Укеру Магосаки ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви раиси Г. Йўлдошева келгусидаги ҳамкорлик шартномасини имзоладилар.

Ш. БЕКНАЗАРОВА.

● Вилоят ҳокимлигида учрашув пайти.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

МАҒРУР ҲИЛПИРАЙВЕРАДИ!

18 НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

ЮРТИМИЗ саҳоватли замин. Унинг халқи асрлар қаърига чуқур илдиз отган, бой маданий, сиёсий анъаналар соҳиби ҳамдир. Қадим қадимлардаёқ туркий забон халқларнинг турли салтанатлари мавжуд бўлиб, улар узоқ даврлар мобайнида ўз давлатчилигига дахлдор ҳуқуқий тафаккури билан жаҳон тараққиётига катта ҳисса қўшаолган муқаддас идрок эгаси эканликларини намоён этганлар. Ҳар қандай давлат сингари уларнинг ҳам ўз рамзлари, шартли белгилари бўлган. Ушбу рамзларда маълум белгилар: мавжудот, одамлар тасвир қилиниб, улар халқ, миллат турмуш тарзи, руҳияти анъаналари, тарихи билан узвий боғланган.

Тарихий манбалар шундан далолат берадики, эрамизнинг 565 — 803 йилларида ҳукм сурган авар салтанатининг яшил байроғи марказида от устида камон отаётган жангчи тасвири, ғазнавийлар (963 — 1183 йиллар) байроғининг яшил матосида ярим ойга боқкан товус бўлган. Хоразмшоҳлар салтанати (1157 — 1231 йиллар)нинг байроғи қора рангда, буюк Амир Темур давлатининг 1368 — 1501 йилларидаги байроғи мовий рангда бўлиб, унинг марказида дунёнинг уч қитъасини акс эттирувчи учта юмалоқ шаклдаги жисм, 1299 — 1922 йиллардаги усмонийлар салтанатининг қизил рангли байроғи ўртасида ярим ой билан саккиз қиррали юлдуз тасвирлари ифода қилинган эди.

Бобур салтанати давридаги (1528 — 1858 йиллар) байроғи учбурчак шаклидаги қисмида сариқ ранг, унинг икки ёнида эса қизил ранг мужассам топган. Бу ранглар ўз даврининг талқинига кўра жасорат ва нурли ҳаёт тимсоли бўлган.

Қизил империя даврида халқимизнинг тарихи, руҳияти, анъаналари, маданияти том маънода акс эттирилмади. Давлат рамзлари сунъий равишда кундалик ҳаётимизга киритилди. Зеро, шу боисдан мустақиллик шабадаси уларни қисқа вақт ичида воқелигимиздан супуриб ташлади.

Мустақиллигимиз қўлга киритилгандан сўнг, юртимизнинг рамзларини белгилаб олиш борасидаги ишлар жадаллашди. Ўзбекистон Давлат байроғи, туғроси чизмаларини тайёрлашда республикамизнинг таниқли рассомлари, тарихчилари, санъатшунослари, бадиий тасвир ва графика усталари, маданият ва санъат арбоблари ҳуқуқшунослик ва бир қатор соҳа мутахассисларидан таркиб топган комиссия ишлади. Давлатимизнинг байроқ ва туғроси тасвири умумхалқ муҳокамасига олиб чиқилиб, танлов эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи республика — Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VII сессиясида 1991 йил 18 ноябрида тасдиқланиб, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун билан мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддасида қайд қилинганидек, давлат суверенитетининг рамзи ҳисобланган давлат байроғи фақатгина давлатнинг тимсолигина бўлмай, балки унга миллий тимсол сифатида қаралмоғи лозим.

Ўзбекистоннинг байроғи тўқ мовий, оқ ва тўқ яшил ранглардан таркиб топган мато бўлиб у қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихий жиҳатдан боғлиқлик ришталарини англатади. Шу билан бирга давлатимиз байроғи миллий-маданий анъаналаримизни ўзида тўлиқ мужассамлаштирган.

Байроқдаги мовий ранг ҳаёт мазмунини акс эттирган мангу осмон ва борлиқ рамзидир. Маънан у яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шоншуҳрат ва садоқатни англатади. Дарҳақиқат, юқорида таъкидлаганимиздек, Амир Темур давлати байроғининг ранги ҳам мовий рангда эди.

Байроғимиздаги оқ ранг — муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиғи, поклик, беғуборлик, софлик, орзу ва умидлар тозалиги, ички гўзалликка интилиш белгисидир.

Яшил ранг — табиатнинг янгиланиш жараёни, саҳийлик, бағри кенглик шодумонлик ифодаси ҳисобланади. Қизил хошиялар эса вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат ирмоқларидир. Нафис яримой тасвири бизнинг тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ бўлиб, айни ҳолда қўлга киритилган мустақиллигимиз рамзи ҳамдир.

Юлдузлар ер юзидаги халқлар учун адабият, илоҳий тимсол деб саналган. Ўзбекистон Давлат байроғидаги 12 та юлдуз тасвири ҳам тарихий анъаналаримиз, қадимги қуёш йилномамизга бевосита алоқадорлар. Бизнинг 12 юлдузга бўлган эътиборимиз Ўзбекистон сарҳадида истиқомат қилганлар илмий тафаккурида «Нужум илми» тараққий этганлигини ҳам ифодалайди. Давлат байроғимиздаги ўн икки юлдуз тасвирини ўзбек халқи маданияти қадимийлигини, комилликка, ўз заминида саодат ва садоқатга интилиш рамзи сифатида тушуниш лозим.

Давлат байроғимиз эндиликда халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида жаҳон майдонига собитқадамлик билан кириб бораётган Ўзбекистонни муносиб намоён этяпти. Ўзбекистон Республикасининг байроғи жаҳоннинг турли ерларида, чет элдаги дипломатик ваколатхоналари биноларида ҳилпираб турибди. Шу тарика у мустақил давлатимизнинг нуфузини ортиришга хизмат қилмоқда. Ҳозирда Ўзбекистоннинг давлат байроғи Оврупо, Америка, Осиё, Африка қитъаларидаги турли давлатларнинг Вашингтон, Бонн, Анқара, Париж, Қоҳира, Техрон, Москва, Деҳли, Карочи, Брюссель каби пойтахтларида мағрур ҳилпирамоқда. Бундан ташқари байроғимиз турли халқаро ташкилотларга аъзо бўлган Ўзбекистонимизни халқаро жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида танитишда ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Давлатимизнинг бу рамзини Нью-Йоркда, Ист-Ривердаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳи жойлашган бино олдидаги БМТга аъзо давлатлар байроқлари орасида кўришимиз айниқса қувончлидир.

Ўзбекистоннинг иқтисодий, маданий, ижтимоий ютуқларини хорижда тарғиб қилаётган халқаро кўргазмаларда, турли спорт мусобақаларида ҳам давлат байроғимиз тез-тез кўтариладиган бўлиб қолди.

Байроғимиз республикамизнинг муқаддас рамзидир. У мамлакатимизда қонун билан муҳофаза этилган. Байроқни ардоқлаш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг шарафли бурчидир.

О. МУҲАММАДЖОНОВ,
Тошкент давлат юридик институти халқаро ва қиёсий ҳуқуқ кафедраси мудири, доцент.

• Қуйичирчиқ тумани ҳам пахта тайёрлаш режасини бажарди

ДЕҲҚОННИНГ РИЗҚИ ЕРДА

Туманимиз деҳқонларининг йил — ўн икки ой қилган ҳалол меҳнатлари эвазига етиштирилган мўл-кўл ҳосил хирмонга тушиб бўлди. Пахтакорларимиз ваъдага вафо қилиб, йиллик пахта топшириш режаларини муваффақият билан уддаладилар. Ватан деҳқонларимиздан 36,2 минг тонна хом ашёни қабул қилиб олди.

Режа осонлик билан бажарилгани йўқ. Биз бу кунга йилнинг дастлабки кунлариданоқ пухта тайёргарлик кўрдик. Чигитнинг вақтида экилгани, ғўзаларнинг оби-тобида парвариш қилингани, йиғим-терим мавсумига астойдил тайёргарлик кўрилгани ишимизга унум ва барака киритди. Муҳими, барча майдонларда мўл ҳосил етиштирилишига эришдик. Республикамиз ҳукуматининг пахта йиғим-терими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш тўғрисидаги қарори, туманнинг барча аҳолисига қарата қабул қилинган мурожаатнома, барча хўжаликларда изчиллик билан амалга оширилган ташкилий ишлар ўз самарасини кўрсатди. Туман ҳокимлиги қуйидан бўлган ташаббусни қувватлаб, йиғим-терим ишларини мунтазам назорат қилиб бориш учун ҳар бир жамоа хўжалиги, пахта тайёрлаш пункти ва заводга масъул ходимларни биркитиб қўйди. Далаларда мавсум давомида 9 мингдан кўпроқ киши пахта терди. Оҳангарон, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларидан келган ёрдамчилар ҳам деҳқонларимиз билан ёнма-ён туриб улар билан баббаравар пахта теришга, хирмон баракасини оширишга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Жамоа хўжаликларида мавжуд шароитларни ҳисобга олиб, бу йил айниқса машина теримига зўр берилди. Мана натижа — жами ҳосилнинг 54 фоиз қисми механизмлар ёрдамида териб олинди.

Марра эгалланган ҳозирги қувончли дамларда илғор хўжаликларни бирма-бир қайд этиш жоиз, албатта. Мана улар — «Ўжакент», «Тошовул», «Гулистон», «Юлдуз», «Меҳнатобод», «Ўзбекистон», Улуғбек номли ва бошқа жамоа хўжаликлари. Бу хўжаликларда 4—5 фоиздан пахта топшириб хирмонга барака киритдилар.

«Тошовул» жамоа хўжалиги эришган ютуқ айниқса ибратлидир. Хўжаликнинг тажрибали пахтакорлари 749 гектар майдондан жами 2282 тонна хирмон кўтардилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 30,4 центнерни ташкил этди. Машиналар билан 1526 тонна ҳосил йиғиб-териб олинди. 19 та терим машинасининг ҳар бири билан ўртача 81 тоннадан пахта терилгани эътиборга лойиқдир. «Ўзбекистон» тажриба-фермер хўжаликлари бирлашмаси пахтакорларининг меҳнат муваффақияти катта бўлди. Хўжалик деҳқонлари давлат қабул пунктларига 8000 тоннадан зиёд юқори сифатли хом ашё етказиб беришга эришдилар. Бу муваффақиятларда И. Абдусаломов, С.Саидазимов, А.Отабоев, Т.Ҳайдаров, Т.Асқаров ва бошқа пахтачиликда бой тажриба тўплаган деҳқонлар раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг ҳиссалари кўп бўлди. Хўжаликда техника ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Механик ҳайдовчилар бу йил алоҳида фидойилик кўрсатдилар. Баҳор ва ёзда ерга сифатли қилиб чигит эккан, ғўзаларни ниҳоллигидан парвариш қилиб, ғўза тупларида шода-шода кўсаклар ҳосил қилган механизаторлардан Т. Иззатуллаев, Б. Қиличбоев, М.Қорабоев, А.Охунжонов, А.Умаров ва бошқалар йиғим-терим мавсумида ҳам ўз ҳамкасбларига намуна кўрсатиб, 100 тонна ва ундан ҳам ошириб пахта тердилар.

Туман ҳокимлиги жамоа хўжаликлари бошқарувлари билан ўзаро маслаҳатлашиб, терим унумдорлигини ошириш, кишиларга самарали ишлашлари ва яхши хордиқ чиқаришлари учун барча зарур тадбирларни белгилаб уни изчиллик билан амалга ошириб борди. Хўжаликларда кўчма дала шийпонлари ташкил этилганлиги ана шундай тадбирлардан бири бўлди. 32 та кўчма дала шийпони мавсум давомида теримчи ва механизаторларга зарур маданий-маиший хизматлар кўрсатди. Бу дала шийпонлари махсус жиҳозланган тележкалардан иборат бўлиб, стол-стуллар, ётоқ анжомлари, ювиниш жиҳозлари билан таъминланди. Шийпонлар қаерда теримчи ва механизаторлар меҳнат қилаётган бўлса шу жойга юборилиб, хизмат кўрсатди.

Бу йилги мавсумда меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантириш, самарали ишлашдан манфаатдорликни ошириш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳам муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, «Тошовул», «Меҳнатобод» жамоа хўжаликларида теримчиларга терган ҳар бир килограмм пахтаси учун 2 сўмдан ҳақ тўланди. «Дўстлик», «Ўжакент», «Тошовул» ва бошқа жамоа хўжаликларида эса механизаторлар машина бункеридан тўккан ҳар бир тонна пахтаси учун 60 сўмдан ҳақ олдилар. Айрим хўжаликларда теримчилар меҳнатини рағбатлантиришнинг қўшимча тадбирлари ҳам яхши натижалар берди. Жумладан, мавсумда ким биринчи бўлиб машинада 100 тонна пахта терса унга мукофот тариқасида 1 бош бузоқ бериладиган бўлди. 120 тонна пахта терган механизатор мавсум охирида 120 килограмм тош босадиган бузоқ, шоли ва буғдой мукофотини олади. Агар теримчиларнинг терган пахтаси 3 тоннадан ошса унинг ҳар бир килограммига яна қўшимча 1 сўмдан ҳақ тўлаб борилди. «Тошовул» жамоа хўжалигида эса мавсумда 2,5 тонна пахта терган теримчи 3600 сўм ойликдан ташқари 1400 сўм мукофот пули ва уч қоп ун ҳам олди. Шунингдек юк ташувчилар, хирмончилар, кўрак чувувчилар, бригада ва участкаларнинг бошлиқлари, мутахассисларга ҳам тегишли миқдорда мукофотлар берилди. Ана шундай тарзда уларнинг ҳам меҳнат мусобақасида фаол иштирок этишлари таъминланди. Биз бугунги шодиёна кунда эл хирмонига 80 — 100 тоннадан ҳосил териб топширган илғор механик ҳайдовчилар С.Шералиев, А.Алибоев, М. Камолов, А. Аширов, пахтадан мўл ҳосил олган тажрибали бригада раҳбарлари О.Юнусов, З.Бакиров, Е.Тосбоев, Т.Мадемов, Л.Валентин каби мусобақа пешқадамлари билан ғоят фахрланамиз.

Қуйичирчиқ соҳибкорлар, боғбонлар, чорвадорлар баракали меҳнат қилаётган тумандир. Улар ҳам йилни муваффақиятли якунламоқдалар. Жумладан, ғаллакорларимиз мўл-кўл дон ҳосили етиштиришга ва уни вақтида ўриб-йиғиб, саранжомлаб олишга эришдилар. Улар келгуси йилнинг баракали хирмони учун ҳозирдан пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. 12500 гектар майдонга дон сочилди. Далаларда кузги-қишки ишлар тобора авж олдирилмоқда. Экиндан бўшаган ерлар зудлик билан шудгорлаб қўйиляпти. Зеро пухта ва сифатли тайёргарлик келгуси йилда ҳам пахта ва бошқа экинлардан мўл-кўл ҳосил етиштириш гаровидир.

Р.КАРИМОВ,
Қуйичирчиқ тумани ҳокими.



● «Ўзбекистон» тажриба-фермер хўжаликлари бирлашмаси пахта йиғим-терими мавсумида пешқадамлик қилди. Бунда теримчи ва механизаторларнинг иш унумдорлигини ошириш учун барча зарур шароитлар яратиб берилганлиги муҳим аҳамият касб этди. Ушбу суратларда (юқорида) мавсум давомида 3600 килограмм пахта теришга эришган илғор теримчи Ўлмасхон Насриддинова ва машинаси бункеридан 105 тонна ҳосил тўккан механик ҳайдовчи Холмат Абдураимовларни кўриб турибсиз.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

АДАБИЙ ЯҚИНЛИК – АБАДИЙ ЯҚИНЛИК

Нафақат қирғиз элининг, балки бутун туркий халқларнинг машҳур достони — «Манас»нинг 1000 йиллиги муносабати билан 1995 йил ЮНЕСКО томонидан «Манас йили» деб эълон қилинган эди. Умуман бу йил ога-ини халқлар бирлигини мустаҳкамловчи чинакам дўстлик йили бўлиб тарихда қолмоқда. Ёз ойларида улуғ қозоқ оқини Абай Қунанбоевнинг 150 йиллиги, қатор маданий-маърифий алоқалар, «Манас»нинг 10 асрлик тантаналари... Булар нафақат икки халқнинг балки бутун Турон-замин халқларининг катта тўйига айланиб кетди.

ТУРКИСТОН халқларининг халқ оғзаки ижоди, фольклори муштарак. Масалан, «Алпомиш»дай том маънодаги қаҳрамонлик достонини етти пушти шоир аждодларимиз, беназир оқинлар ва чечан бахшилар ардоқлаб қўйлаганлар. «Алпомиш»ни қозоқлар билан қорақалпоқлар «Алпамис» дейишади. «Манас» билан «Алпомиш» эса ака-ука, оғаини достонлардир.

«Манас»да Ўзбекистон мавзуси жуда кенг акс этган. Эпосда кўпгина воқеалар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бўлиб ўтади, ўнлаб ўзбек шаҳар-қишлоқлари, сойдарёлари ва бошқа жой номлари тилга олинади. Алпомишнинг қандайдир хусусиятлари Манасда намоён бўлса, Барчинойга хос фазилатларни Манаснинг севикли рафиқаси, аслида бухоролик Хоникейда кўрамиз. Фалакнинг иноятини қарангки, тақдири азал, тарихий зарурат олис-олис замонлардаёқ бизларни қовуштирган, томирларимизни чатиштирган. Қўшни қилган, қула-қудағай қилган, қиз бериб қиз олдирган, якдил, яктил, якдин этган.

Ўзбекнинг ўзи бор
Айтиб қўйган сўзи бор:
Қозоқ, қирғиз, қатаган
Баримиз бир отаданмз.

Ҳа, буюк қирғиз манасчиси Соғинбой Ўрозбоқ ўғли айтганларидек, Турон замин халқлари — ҳаммамиз бир отаданмиз.

1995 йил «Манас» йили бўлгани учун «Манас» сабоқлари ҳақида қисман бўлсада тўхталмоқчимиз.

Ҳар бир халқ тинимсиз меҳнати, истеъдоди, салоҳиятининг ўзига хос қирралари билан дунё маданияти хазинасини бойитади. Қирғиз халқи бўлса ҳажми ва мазмунан ранг-баранглиги жиҳатидан дунёда тенгсиз асар — «Манас» эпосини яратиб ўша жаҳон маданий хазинасига муносиб ҳисса қўшди. «Манас» халқ оғзаки ижодиётининг жаҳон шоҳ асарлари орасида алоҳида ўринда туради, бу эпос қирғиз халқининг бобокалонларидан қолган ота мероси, миллий ифтихори, маънавий ҳаётининг чўққиси бўлиб, унда халқнинг турмуш тарзи, урф-одати, ахлоқ-одоби ва асрлар оша таркиб топган кекса тарихи ўз аксини топган. Одатда «Манас»ни океан сифат эпос, қомусий мажмуа деб аташади. Чиндан ҳам достон қирғиз халқининг камида минг йиллик тарихини, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳволини, мустақиллик учун олиб борган аёвсиз курашларини, қондош-жондош эллар билан олиб борган дўстона алоқаларини қамраб олган. Шу нуқтаи назардан қараганда «Манас» умумтуркий, эпоса бағишланган илмий конференцияда қайд қилингани каби, умумбашарий аҳамиятга эга нодир ёдгорликдир. «Манас» қирғизлар учун фақатгина эпос эмас, Чингиз Айтматов буюк манасчи бахши Соғинбой Ўрозбоқ ўғли вариантига ёзган сўз бошида (1974) «Манас» қирғизларнинг оғзаки «Библия»сидир, деган эди. Айтматов эпоснинг 1000 йиллигига бағишланган илмий симпозиумни бошлаб берган. Маърузада яна қайд қилдики, биз қирғизлар Миср эҳромлари каби улуғвор обидалар қурган эмасмиз, Микеланжелога ўхшаб беназир ҳайкаллар, суратлар, меъморий ёдгорликлар ярата олмадик. Бизнинг юксак эҳромларимиз ҳам, тенги йўқ ҳайкалларимиз ҳам, шоҳ асарларимиз ҳам ана шу «Манас!»

«Манас»нинг 1000 йиллик байрам қилинган кунлари юксак Олатов ўлкасида — шаҳар ва овулларда, яйлов ва далалардаги тантаналарда биз, бир гуруҳ ўзбекистонлик вакиллар ҳам иштирок этдик.

«Туркистон халқлари маданияти форуми» биринчи қурултойи олдидан

Бишкек шаҳри гуё улкан тўйхонага ўхшар эди. Театрларда, музейларда кўча-кўйларда томошаларнинг, қўшиқ-ўланларнинг кети узилмас эди.

Тўй кунлари китоблар ҳам, газета-журналлар ҳам телевидение-радио ҳам фақат Манас ҳақида ҳикоя қиларди. Дўкон расталаридан сотиладаётган ҳар хил эсдаликлар, бош кийимларда, ҳатто ичимликлар солинган идишларда ҳам Манас тимсоли ўзга ташланади.

Эпоснинг юбилейида иштирок этиш учун Бишкек шаҳрига дунёдаги 64 мамлакатдан вакиллар келишди, 29 мамлакатлардан эса расмий делегациялар ташриф буюришди. Ўзбек делегациясига республикамиз Олий мажлиси раисининг муовини Акмал Қосимов бошчилик қилди.

Энг катта томошалар Манаснинг ватани деб тан олинган Талас шаҳрида бўлиб ўтди. Бишкекдан 200 километр чамаси ғарбда жойлашган вилоят маркази Талас шаҳрида байрам кунлари Манас руҳи кезиб юргандай эди. Шаҳар чеккасидаги Манас отанинг машҳур Қоровул чўққисига кўтарилиб, гир атрофга кўз ташласангиз, улкан тўй тараддусида қурилган 750 та оқ ўтовлан, буюк тантанани сабрсизлик билан кутаётган сон-саноқсиз меҳмон ва мезбонлар ва машиналар оқимидан кўзингиз қамашади. Ҳар бир ўтовнинг номи, номери ва вазифаси бор, қаердан ва қанча меҳмон келишини, уларнинг исми-шарифларини ҳам ўтов мезбонлари беш қўлдай билишади. «Манас ўрдаси» номини олган ўзбекистон делегациясини Жумғол райони қурган ўтовга олиб киришди. Эшик олдидаги баланд устунда Ўзбекистонимизнинг давлат байроғи ҳилпираб турибди. Ўтовнинг ичи қирғизларнинг кўчманчилик ҳаётини акс эттирадиган уй-рўзғор асбоблари-ю, кийим-кечаклари ҳамда айиқ, бўри, тулки терилари билан безатилган. Керагида Манас отанинг уч киши сиғадиган улкан жанговар рамзий эгари осиғлиқ турибди. Бу эгарни тўйга машҳур эмоинлик қирғиз уста Обил совға қилган. Ўтовлар шаҳарчаси муайян тартиб билан «Маҳаллалар»га бўлинган: бир гуруҳ уйлар «Қирғиз овули», бир тўп ўтовлар «Манас овули», яна бир гуруҳ бўз уйлар эса «Манас отанинг сайил боғи» деб аталади. Ўн икки қанотли Манас ўтови ва уч қаватли бўз уйдан иборат хон ўрдаси бошқа ўтовлардан салобати, безаклари ва юксаклиги билан алоҳида ажралиб туради. Шанқайган «Олтин дарвоза» узоқ-узоқлардан кўзга ташланади. Кенгқўл водийси этагидаги улкан сайхон бедазор ва тепалик-нишобликларга буткул қирғиз халқи кўчиб келгандай.

Биз ана шу «Манас ўрдаси» тарихий-маданий мажмуасининг тантанали очилишида иштирок этдик. Энди бу ерда Манаснинг тарихий-этнографик музейи, меҳмонхона, жиззахликлар қуриб берган чойхона, отчопар фойдаланишга топширилди, машҳур Манас гумбази таъмирланди.

Табиий стадион шаклидаги отчопарда ўтказилган икки соатлик театрлаштирилган ўйин Манас отанинг Талас диёрилари маракасининг унутилмас дамлари бўлди. Мана, майдонга қадимги қирғизларнинг кўч-кўрони кириб келади. Аскарларнинг дубулғалари, совут-қалқонлари, қурол-яроқлари офтобда ярақлайди. Отлиқ ва пиёда жангчилар, сохт-сумбатли қизжувонлар, нор йигитлар яхши серўт яйлов, яхшироқ қисмат илинжида узоқ сафарга отланишган. Улар йўл -йўлакай турли ўйинлар кўрсатиб боришмоқда. Отнинг ёлидан ўйнаб кетаётган чавандозлар, кўзни мўлжалга оладиган мерганлар, найзабозлар, полвонлар куч синашиб, ҳунар кўрсатиб ўтишади. Шундай бир пайтда тинчликсевар Ўроздухоннинг элини қорахитой Алокехон босиб олди. Қирғиз қизлари чўри, йигитлари қул қилинади. Халқ қаттиқ зулм чека бошлайди. Ана шундай оғир пайтда Манас дунёга келади. Паҳлавоннинг туғилишини ифода этган халқ денгизи тўлқинланади — ичдан отилиб чиққан куйлар янграйди, озодликнинг яқин қолганини халқ қўшиқ-ўйинлар билан ифодалайди.

Ўйин-томоша иштирокчилари Манаснинг эр етиб, Алоке хонни Андижондан Фарғона водийсидан, умуман Туркистондан ҳайдаб чиқарганини, халқини Олтойдан Олатовга қайтариб келганини кўрадилар. Шундай қилиб, халқ озод бўлди. Муқаддас она юрт Олатовда озодликнинг қизил гуллари — ўйинчи қизлардан иборат гуллар униб чиқди.

Тушдан кейин «Манас» эпосининг 1000 йиллигига бағишланган халқаро спорт ўйинлари оқшомгача давом этди.

Тўйда тантана, меҳмондорчилик, зиёфат, ўйин-томоша ўтади-кетади; бундай тарихий юбилейларда китоблар босиб чиқариш, илмий мунозаралар ўтказиш, кинофильмлар яратиш, айниқса муҳимдир. Шу маънода «Манас»ни илмий жиҳатдан ўрганиш ва тарғиб қилишда 2 кун давом этган илмий симпозиум алоҳида ўрин тутди. Симпозиумда 150 та яқин илмий маърузалар тингланди. Маърузачилар орасида Марказий Осиё олимлари, Россия, АҚШ, Япония, Хитой, Туркия ва бошқа бир қанча мамлакатлардан келган мутахассислар бор эди. Шундай қилиб «Манас» эпосининг 1000 йиллик байрамига бағишланган тадбирлар эпоснинг халқнинг маънавий ҳаётидаги улкан ролини бутун дунёга кўз-кўз қилди.

Чингиз Айтматов айтгани каби, эпос энди ўзининг оғзаки шаклидан китоблар шаклига ўтиб умрбоқийлик олди ва у қирғиз халқи, қирғиз тили билан бир қаторда дунё турғунча тураверади.

Суюн ҚОРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси катта илмий ходими, Қирғизистон миллий университети фахрий профессори.

ҚУЛАЙ ЯНГИЛИК

Ўзбекистон Фанлар Академияси полимерлар кимёси ва физикаси институтида фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Мирҳожи Асқаров раҳбарлигида иш олиб борган бир гуруҳ олимлар янги бирикма ихтиро қилишди. У сифати ва пишиқлиги жиҳатидан шу пайтгача қўлланиб келинаётган полимерлардан анча фарқ қилади. Айни пайтда уни ишлаб чиқариш кўп энергия қуввати талаб қилмайди.

Мисол учун, ҳозир ишлатилаётган полиэтилен халталар 3-4 килограмм юкка мўлжалланган бўлса, янги полимер асосида тайёрланган нозик халталар бир пақир сув вазнига ҳам дош беради ва узоқ хизмат қилади.

А. ОТАЕВА,
ЎзА мухбири.

«ЧЕКИНИШНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?»

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

ГАЗЕТАНИНГ шу йил 7 октябрь сонида Пискент туманидан ана шундай сарлавҳали танқидий мақола босилган эди. Унда туманда иқтисодий ислоҳотлар дастури тўла амалга оширилмаётгани, бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалигини, айниқса, пахтачилик соҳасини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатаётгани жиддий танқид қилинган эди. Мақолада пахта тайёрлаш топшириқлари мунтазам бажарилмаётганлиги, ҳосилдорлик йилдан-йилга пасайиб кетаётганлиги, хўжаликларда меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги салмоғи тобора сусайиб бораётганлиги айтилганди.

Газета таҳририяти яқинда Пискент тумани ҳокимлигидан қуйидаги мазмунда жавоб хати олди. Унда, шундай дейилади:

«Туман ҳокимлиги газетада босилган мақола билан шу куннинг ўзида чуқур танишиб чиқди. 7- ва 8-октябрь кунлари И. Ҳайдаров номли, Ҳ. Қодиров номли ва бошқа жамоа хўжаликлари раҳбарлари, бошқарув аъзолари, бош мутахассислар, бўлим бошлиқлари ва барча бригадаларнинг раҳбарлари иштирокида мақола атрофлича муҳокама қилинди. Кўрсатилган камчиликларни тўғатиш юзасидан хўжаликлар бўйича барча зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

10 октябрь куни эса туман ҳокимлигининг фаоллар йиғилишида барча хўжаликлар раҳбарлари, мутахассислар, ташкилот ва корхона раҳбарлари, бўлим бошлиқлари ва халқ нооблари иштирокида ҳам мақола кенг муҳокама қилинди. Унда айрим хўжаликларда рўй бераётган хато ва камчиликларнинг айбдорлари қимлар бўлган, ишбилармон ва талабчан кишилардан янги номзодлар танланди. И. Ҳайдаров номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси этиб туман ҳокимининг муовини, назорат инспекцияси бошлиғи Ҳушвақт Ширинов, Ҳ. Қодиров номли жамоа хўжалиги раҳбари қилиб, туман техника ремонти ва таъминотида бошқарувчи бўлиб ишлаб келган, туман кенгаши ноиби Ҳазраткул Нуров тайинланди.

Пискент туманида деҳқончиликни, айниқса, пахтачиликни яхши биладиган, кишилар билан ишлашда бой тажрибага эга бўлган хўжалик раҳбарлари кўп, албатта. Шулардан Дўстбеков номли жамоа хўжалиги раиси Б. Дўстбеков, «Туркистон» жамоа хўжалиги раҳбари Ж. Отақуловлардир. Улар ишнинг кўзини билиб, раҳбарлик қилаётгани сабабли ушбу жамоа хўжаликлари 28—29 октябрь кунларида йиллик пахта тайёрлаш топшириқларини бажардилар. Шунингдек, Раҳматхон Соипов раҳбарлик қилаётган «Пискент» жамоа хўжалиги ҳам 5 ноябрь куни йиллик пахта тайёрлаш режасини уддалади. Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги эса маррага етиш арафасида турибди. Бироқ, Пискент туманини орқага тортаётган И. Ҳайдаров номли, Ҳ. Қодиров номли, «Қирқизобод», «Ўзбекистон мустақиллиги», Йўлдош Охунбобоев номли жамоа хўжаликларида пахта тайёрлаш режалари 40—70 фоизлигича қолаётир. Туман ҳокимлиги йил якуни таҳлили даврида хўжаликлар кадрлари масаласини яна бир бор кўриб чиқишга қарор қилди.

Пискент туман ҳокимлиги туманда рўй бераётган камчиликларни ўз вақтида тўғри ёритгани учун «Тошкент ҳақиқати» газетаси жамоасига ўз миннатдорчилигини билдиради.

Ю. ОДИЛОВ,
Пискент туман ҳокимининг биринчи муовини».

РЎЗҒОРИМИЗ БУТ БЎЛСА...

Йил-ўн икки ой оила соҳиблари кундалик рўзғорини ўйлайди. Айниқса, қиш кезларида ҳамма нарса бут бўлса, излаган нарсангни дўконлардан, бозорлардан топа олсанг, бунга не етсин?!

Чирчиқ шаҳар ҳокимлигининг қишга озиқ-овқат, сабзавот, мева-чева тайёрлашга вакил қилинган мутасадди ташкилотлари кейинги кунларда анчагина ишларни амалга ошириб қўйдилар.

● Қиш тараддуди

«Чирчиқтаом» ҳиссадорлик жамиятига қарашли мева-сабзавот омбори мудири Мухтор Қўрғонов шундай дейди:

— Қиш эшик қоқмоқда. Биз қатор ташкилотлар билан биргаликда қиш ойларига пухта тайёргарлик кўрдик. Ҳозиргача 170 тонна картошка Польшадан келтирилди. Шаҳримиз атрофидаги Бўстонлиқ, Паркент, Пискент, Қибрай туманлари етиштирган мўл сабзавот маҳсулотлари бизнинг кунимизга ҳам ярайди. Мазкур туманлардан 150 тонна пиёз, 20 тоннадан ошиқ карам, 25 тонна мева келтирилиб, ғамлаб қўйилди. Бу ишда, айниқса, «Электркимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходими Абдуфаттоҳ Фозилов саъи-ҳаракат кўрсатди. У бартер йўли билан маҳсулотлар топишда катта кўмак берди. «Ўзбеккимёмаш», Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, Чирчиқ трансформатор заводи каби корхоналарда ҳам қишга тараддуд кўриш ишлари намунали ташкил этилди.

З. АСИЛТОЕВ.

ЯНА БИР АТС ЭЛЕКТРОНЛАШДИ

ГЕРМАНИЯНИНГ «Алкатель СЕЛ РФТ» фирмаси билан тузилган шартномага биноан бир қатор АТСларнинг жиҳозлари электрон АТСларига алмаштирилади. Тошкентда 5 минг мижозга мўлжалланган шундай АТСнинг биринчиси 36-АТС бўлди. 32-АТС абонентлари шу АТСга уланди.

Куни кеча шаҳардаги 44-АТСда электрон АТСни ўрнатиш ва созлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Янги АТС 10 минг абонентга мўлжалланган. 36-АТСда тажриба орттирган алоқачилар 44-АТСни электрон АТСига алмаштиришга пухта ҳозирлик кўрдилар. Бу станциянинг Германияда малака ошириб келган ходимлари немис мутахассислари билан монтаж ва созлаш ишларини ёнма-ён адо этдилар. Унинг индекси, яъни дастлабки икки рақами 44лигича қолади, ўзгармайди. Станциялараро алоқалар учун биринчи бор қисман радиореле алоқасидан фойдаланилади. Станциянинг электрон АТСга ўтказилиши муносабати билан шу вақтгача блокиратор орқали ишлаб келган телефонларнинг рақамлари ўзгармаган ҳолда мустақил ишлай бошлайди.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ.

СУРАТДА: 44-АТС муҳандиси Жамолиддин Тўйчиев монтаж ишларини кўздан кечирмоқда. МУАЛЛИФ олган сурат.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Олам ҳафта ичида

ҲАР ДАВЛАТНИНГ ЎЗ ТАШВИШИ БОР

● АМЕРИКА Қўшма Штатлари ҳарбий ҳаво кучларининг Дейтон шаҳри яқинида жойлашган қароргоҳида музокаралар олиб бораётган Сербия, Хорватия ҳамда Босния ва Герцеговина раҳбарлари ҳамон бир тўхтамга кела олмаётирлар. Музокаралар боши берк кўчага кириб қолди. Учрашувни кузатиб турган оммавий ахборот воситалари шарҳчилари ҳафта охирида музокаралар тўхтаб қолиши мумкин, деган фикрга келмоқдалар.

● АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Билл Клинтон Япония бош вазири Т. Мураямага Японияга қиладиган сафарини бошқа вақтга қолдирганини маълум қилди. Гап шундаки, Б. Клинтон 18-20 ноябрда Осака шаҳрида бўладиган Осиё-Тинч уммони иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотига аъзо бўлган давлатлар раҳбарларининг учрашувига бориши лозим эди.

● ФРАНЦИЯ миллий мажлиси депутатлари кўпчилик овоз билан Ален Жюппе ҳукуматига ишонч билдирди.

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши Грузия билан Абхазияни тезроқ сиёсий музокаралар ўтказишга чақирди.

● ФАЛАСТИН Озодлик Ташкилоти Ижроия Қўмитаси ўзининг Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида Исроил билан тузилган барча битимларга риоя қилишини яна бир бор таъкидлади. Шу билан биргаликда у АҚШ конгрессининг Америка элчихонасини Тел-Авивдан Қуддус шаҳрига кўчириш тўғрисидаги қарорини рад этди.

● РОССИЯ президенти Б. Ельцин Чечнистон раҳбариятининг республика бошлиғини сайлаш тадбирларини давлат думасига бўладиган сайловлар билан қўшиб ўтказиш тўғрисидаги ҳатти-ҳаракатини маъқуллади.

«ИНДЕВОР» ЙЎЛИДАГИ НУЖ

ЎТГАН ҳафтада жаҳон ахборот воситалари мухбирлари Вашингтондан шов-шувга сабаб бўладиган ахборот бердилар. Гап шундаки, мухбирлар вақти-вақти билан номаълум учувчи жисмлар тўғрисида маълумотлар олиш мақсадида аэронавтика ва коинотни тадқиқ этиш АҚШ миллий бошқармаси (НАСА)га мурожаат қилиб туришади. Аммо, НАСАдагилар анойилардан эмас. Ҳамма нарсани сир тутишади. Ҳарбий ҳаво кучлари департаментидагилар ҳам чурқ этишмайди. Бироқ, гоҳоҳида Америка фазогирларининг ғайритабиий жисмлар билан учрашувлари тўғрисидаги маълумотлар пайдо бўлиб қолади. Энг сўнгги шов-шувлардан бири—сентябрь ойида коинотда 12 кун сузиб юриб, эсон-омон ерга кўнган, кўп марта фойдаланишга мўлжалланган космик кема — «Индевор»га тааллуқли бўлди. Коинот муаммолари шарҳловчиси Уильям Кландернинг айтишича, баайни мана шу «Индевор»нинг жуда катта НУЖ билан тўқнашувига сал қолган. Шарҳчи ўз сўзининг тасдиғи учун НАСА билан «Индевор» капитани Дэвид Уокер ўртасидаги 23 сониялик сўзлашув қайд этилган қуйидаги матннинг ёзувини келтирди:

Д. Уокер: — Ўзимиздан ўнгда қандайдир шарпани кўряпман... Ё, раб!.. Бу нима? Ё, худо! У тўппа-тўғри бизларга келяпти.

НАСА: — Нима гап, тинчликми?

Д. Уокер: — Бўлиши мумкин эмас! Ё, худо! Орқага! Қаёққа келяпсан!

НАСА: — «Индевор»! «Индевор»! Нима гап? Тушунтиринг!

Д. Уокер: — Туш... Биз қаердамиз? У қаёққа кетди? Қани?.. Йўқолди... У йўқолди... Йўқ... НУЖ. Космик кема... Бахайбат... Бошқариладиган... Анави ерда!

НАСА: — «Индевор»! Алоқани ўзгартиринг! Дархол!

...Ёзув шу ерда таққа узилади. Кўринишдан Д. Уокер радиосўзлашув частотасини ўзгартирган бўлса керак. НАСА матбуот-хизмати У.Клайнер чоп этган юқоридаги ахборотни шарҳлашдан бош тортди. Ўз навбатида Уокер ва экипаж аъзолари ҳам «оғзига талқон солиб олишди». НАСА шарҳининг ахборотини норасмий деб баҳолади. У. Клайнер ҳам бўш келмади: унинг фикрича, энг сўнгги дақиқаларда ўз йўналишини ўзгартирган «Индевор»ни тўқнашувдан худонинг ўзи бир сақлаб қолган...

УЧИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

15 НОЯБРЬ — чоршанба куни ер курраси узра—тўрт километр баландликда ғаройиб ҳодиса юз берди. Юз тонналик баҳайбат кемалар — «Шаттл» ва «Мир» бир-бирига оҳиста яқинлашиб, туташдилар. Бу-халқаро «Альфа» орбиталь станциясини яратиш йўлидаги иккинчи катта муваффақият бўлди. «Бундай ажойиб томошани кўриш ҳамиша ҳам насиб этавермайди», — деб ёзишди бу воқеага бағишланган хабарларида турли ахборот маҳкамаларининг мухбирлари.

«Мир»да туташиш арафасида халқаро гуруҳ — Россия фазогирлари Ю. Гидзенко, С. Авдеев ҳамда Оврупо космик маҳкамаси вакили, немис учувчиси Т. Райтерлар биргаликда ишлашди. Иккинчи халқаро экипаж «Атлантис» кемаси ичида бўлиб, тўрт нафар тажрибали америкалик астронавтлар ҳамда канадалик бир учувчидан иборатдир. Улар К. Камерон, Ж. Халселл, Ж. Росс, В. Макартур ва К. Хадфилдлар эди.

... Шундай қилиб, айни кунларда «Мир» оғушида Россия, АҚШ, Канада, Олмония фуқаролари жамул-жам бўлдилар. Уч кун мобайнида фазогирлар турли хил тадқиқот ишларини амалга оширадилар. 18 ноябрь куни «Атлантис» «Мир»дан ажратилади. 20 ноябрда эса у ерга қайтади.

Шу тариқа коинотга парвоз қилиш ва уни ўрганиш ишлари давом этмоқда. Бу йўлда жаҳондаги тараққий этган энг йирик мамлакатлар ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштирмоқдалар. 1995—1997 йиллар мобайнида «Атлантис» ва «Мир» яна 7 марта туташтирилади.

ҚЎЛГА ТУШМАС ВИРАППАН

МАНА 17 йилдирки, Карнатака ҳамда Тамилнаду штати полициячилари Вираппан деган кимса бошлиқ каллакесарлар гуруҳи билан олишиб келмоқда. Тартибни муҳофаза қилиш ходимлари бу «жанг»ларда ўзининг қирқ нафар ходимини йўқотди. Босқинчилар томонидан нечта қурбон берилганлиги номаълум. Жиноятчиларни қўлга тушириш учун турли хил макрлар ишлатиб кўрилди. Бироқ, улар ҳар safar «сувдан қуруқ чиқиб кетадилар». Шу орада яна 130 нафар гуноҳсиз киши халок бўлди.

Яқинда умид учқунлари пайдо бўлди. Полициячилар қўрбошининг туғишган укаси Аржунанни хибсга олдилар. Шунингдек яна икки киши қўлга тушди. Улар кучайтирилган соқчилар назоратида ушлаб турилдилар. Бошқа ерларга кўчириш тадбирлари ҳам махфий ўтказилди. Лекин, навбатдаги safar пайтида мазкур уч жиноятчини машина ичида ўлиб ётган холда топдилар. Кўринишдан, улар ўз жонларига ўзлари қасд қилишган. Тез таъсир этувчи заҳар қабул қилишган.

Карнатака ва Тамилнаду ҳуқуқни муҳофаза қилиш маҳкамалари қандай бўлмасин Вираппан гуруҳини қўлга олишга аҳд қилдилар. Бунинг учун полициянинг махсус қисмлари, харбий бўлинмалар ҳамда вертолетлар жалб этилди. Лекин, ҳамон натижа чиқмаётир. Айни пайтда қўлга тушмас, «илоҳий руҳ» соҳиби Вираппан тўғрисидаги турли-туман афсоналар тобора кенг тарқалмоқда.

КИМ, НИМА, ҚАЕРДА?

● МАЪЛУМКИ, 4 ноябрь куни Исроил давлати бош вазири Ицхак Рабин террорчи Игал Амир томонидан отиб ўлдирилган эди. Яқинда Бар Илам диний дорилфунунининг талабаси— қотил уйи тинтув қилинди. Натижада, кўпгина қуроллар сақланаётган омборхона топилди. У ерда граналалар, турли хил портлагичлар, тўппончалар бор эди. Исроил полиция вазири М. Шавал берган ахборотда эса мазкур гуруҳга мансуб яна 7 нафар террорчининг ушланганлиги айтилди.

● БУНИ қарангки, табобат тараққий этган мамлакатлардаги мана-ман деган шифокорлар ҳам гоҳо-гоҳида хатоликка йўл қўйиб турадилар. Ана шундай ҳатолардан бири нью-йорклик докторлар томонидан содир этилди. Улар «янглишиб» даволаниш учун ётган бир хонимнинг касал кўкраги қолиб, соғ кўкрагини кесиб ташлашибди. Ҳаста шикоят қилиб, судга ариза берди. Шикоятнинг пировард тўхташ жойи қайси маҳкама бўлиши ҳамон номаълум.

● ХИТОЙнинг Хэнань вилояти марказий касалхонасида 1970 йилнинг ўрталарида Хань ва Синь деган деҳқонлар дўстлашиб қоладилар. Улар келажакда ўғил ёхуд қиз кўрсалар қуда бўлишга аҳд қиладилар. Буни қарангки, Хань оиласида-қиз, Синь оиласида-ўғил дунёга келади. Бироқ бола 6 ёшга етганда дарахтдан йиғилиб майиб бўлиб қолади.

20 йилдан сўнг яқинда «куёв» ногиронлар аравачасида келин бўлмишнинг хонадонига ташриф буюради. Қизнинг отаси ахволни кўриб, куёвни рад этади. Бироқ, Синь оиласи макр ишлатиб, қизни қўлга туширадилар. Йигитни унинг номусига тегишга ундайдилар... Оқибатда жанжал ошкор бўлиб, куёвнинг бутун оиласи қамоққа тушди.

● ШАНХАЙ шаҳрининг икки фуқароси: Шао Вэйчжу ҳамда унинг 11 яшар қизи баданидан жуда кучли электр қуввати тарқалиши маълум бўлди. Улар нимага қўл тегизишмасин дарҳол чарсиллаб, учқунлар сачрайди. Мутахассислар уларнинг баданидан тарқалаётган электр қуввати 1000 вольтга яқин, демоқдалар.

● ЭНГ БАЛАНД тоғ чўққиси ҳисобланган Эверестда бўрон ва қор кўчкисига йўлиққан 237 нафар алпинист хавфсиз жойга келтирилди. Улар орасида Японияннинг Непалдаги элчиси Шикенобу Иошида ҳам бор. 5000 метр баландликда жами 500 алпинист «тоғ асири» бўлиб қолишганди. 15 мурда топилди. Қутқариш ишлари давом этмоқда.

● ЎТГАН душанба куни Нигерия авиакомпаниясига қарашли «Боинг-737» тайёраси Кадуна шаҳри яқинида ҳалокатга учради. 77 нафар йўловчи ҳалок бўлди.

● 5 НОЯБРДАГИ сайловларда ғалаба қозонган Грузия президенти Э. Шеварднадзени «тахтга ўтқазиш» маросими 26 ноябрда бўлиб ўтади, деб эълон қилинди.

● АНГЛИЯдаги «Сотби» кимошди очиқ бозорида уч литрлик идишдаги «Шато Лафит» қизил виноси 27,500 долларга сотилди. Бунинг боиси винонинг 130 «ёшга» киргалигидир.

(ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).



● ЭЙН — ХАЦЕВ Инжилда тилга олинган Тамар деган жой деб тахмин қилинмоқда. У Арава чўлида, отилиб турган чашма бағрида жойлашган. Бу ерда олиб борилган изланишлар натижасида ибтидоий даврга мансуб осори - атиқалар мажмуаси топилди. Сиз ушбу суратда нодир топилмаларнинг айримларини кўриб турибсиз.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

СПАРТАКИАДА ШИОРИ — «МАРДЛИК МАТОНАТ, ҒАЛАБА»

Тошкентда ногиронларнинг биринчи Ўзбекистон спартакиадаси бошланди. 240 нафардан ортиқ спортчи тўрт кун давомида мини футбол, шахмат, шашка, оғир атлетика ва дартсу бўйича мусобақалашади.

МДҲ мамлакатлари орасида республикамиз биринчи бўлиб ногиронлар спартакиадасини ўтказишга қарор қилди. Ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар мутахассислари ҳам бу мусобақага зўр қизиқиш билан қарашмоқда.

— Спартакиада юксак даражада ташкил этилганини кўриб туда хурсанд бўлдик, — деди футбол бўйича ногиронлар Россия терма командасининг шифокори Светлана Попова. — Республикангизнинг ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг саломатлигини тиклашга доир давлат дастури хурматга лойиқ. Мусобақаларнинг ташкил этилишида ҳам ногиронлар тўғрисидаги самимий ғамхўрлик акс этмоқда.

Ногиронларнинг биринчи спартакиадаси Ўзбекистон тўқимачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси спорт залларида, Ўзбекистон кар-соқовлар жамияти республика маданият саройида, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг соғломлаштириш лагерида ўтади.

Кенг кўламдаги маданий дастур ҳам кўзда тутилган.

Ногиронлар учун Ўзбекистон спартакиадаси «Туркистон» саройида тантанали вазиятда ёпилади.

* * *

Спартакиаданинг дастлабки ғолиблари аниқланди. Улар мудофаа вазирлиги спорт комплексида мусобақалашган оғир атлетикачилардир. Самарқандлик Ҳасан Ҳамдиев, Владимир Бареев, Валерий Потапов, Юсуф Қодиров ўз вазн тоифаларида ғолиб чиқиб, олтин медални қўлга киритдилар. 75 килограммгача вазнлилар тоифасида тошкентлик Фарҳод Исмоилов, вазни 90 килограммдан ортиқлар орасида чирчиқлик Сергей Ловягин энг кучли бўлиб чиқди. Совриндорларнинг ҳаммаси эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Футболчилар мусобақасида Тошкентнинг «Байналминал-1» командаси иккинчи «Байналминал» командасини 7:0, «Суғдиёна-Сайёр» (Самарқанд) командасини 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, пешқадам бўлди.

Футболчиларнинг иккинчи гуруҳида Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятлари терма командалари ва Тошкентнинг «Ёшлик» терма командаси ярим финалга чиқди.

«КАТТА ЁШДАГИЛАР» САФИДА

Шахмат бўйича бир неча карра Ўзбекистон чемпиони, республикада хизмат кўрсатган мураббий Евгений Мухин «Катта ёшдагилар» ўртасидаги жаҳон чемпионатида биринчи марта мустақил Ўзбекистон вакили сифатида иштирок этади. Германияда ўтадиган бу обрўли турнирда анъанага кўра 60 ёшдан юқори ёшдаги гроссмейстерлар иштирок этишади.

— Аввалларида биз бундай нуфузли халқаро ўйинларда иштирок этишни орзу қилар эдик, — деди жўнаб кетиш олдидан Евгений Мухин. — Энди эса, мустақиллик шарофати билан биз бундай имкониятга эга бўлдик. Мен дунёнинг энг кучли шахматчилари — ўз тенгдошларим билан куч синашиш шарафига муяссар бўлганимдан жуда бахтиёрман ва Ўзбекистоннинг спорт шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун қўлимдан келганча ҳаракат қиламан.

ЎЗБЕКИСТОН ШАХМАТЧИЛАРИ ЮТУҒИ

Қозоғистоннинг Акмола шаҳрида эркаклар ва аёллар ўртасида шахмат бўйича халқаро мусобақалар тугади. Унда мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Россия, Украина спортчилари ҳам қатнашди.

Ўзбекистонлик халқаро шахмат устаси Олга Ким 9 имкониятдан 6,5 хол олиб қозоғистонлик Алфия Тўрибоева ва Флюра Ускова билан 1-3 ўринларни бўлиб олишди.

Сергей Загребелний эса, 11 имкониятдан 6,5 хол тўплаб, кўкчатовлик Серик Темирбоев билан 2-3 ўринларни бўлашиб олди. Эркаклар ўртасида россиялик гроссмейстер Руслан Шербаков биринчи ўринни олди.

(ЎзА).

ҲАФТАЛИК TV КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 20

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 «Кузги кемачалар». Мультфильм.
18.20 **«Пул қадри».**
18.40 Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти талабаларининг концерти.
19.15 **Шифокор маслаҳати.**
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Футбол шарҳи.
20.20 «Нафосат гулшани». Саодат Ҳайиталиева.
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Бандунгдан — Картахенгача». Қўшилмаслик Ҳаракатининг XI конференцияси хусусида Олий Мажлис раисининг ўринбосари Акмал Қосимов билан суҳбат.**
21.55 У. Гажибеков. «Аршин мол-олон». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.45 **«Ахборот».**

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси тайиёрлади:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 **«Таҳлил».**
19.10 «Бу бўстон аро...».
19.40 **«5+1».** Ёшлар учун кўрсатув.
20.20 «Артист»нинг хайрлашув гастроли». Бадиий фильм.
21.40 — 22.10 «Спорт-тайм».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Гармонь мусиқаси». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Телефильм.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

*

«ОМАД» тайиёрлади:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 Эълонлар.
20.55 «Қурьер».
21.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.25 «Постфактум». Ҳафта мобайнидаги нашрлар шарҳи.
21.35 Эълонлар.
21.40 — 23.20 Видео — «О».

СЕШАНБА, 21

ЎзТВ I

7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 У. Гажибеков. «Аршин мол-олон». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Тасвирий санъат.
11.00 Композитор Сайфи Жалил асарлари.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон тарихи.
12.00 «Ёшлар билан юзма-юз».
12.40 Немис тили.
13.10 «Қўнғироқча». Тележурнал.
13.40 — 15.40 «Умидлар йили». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 **«Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».**
18.50 **«Етти иқлим садоси».** Халқаро шарҳ.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.

Ўзбек киносининг 85 йиллигига

20.05 **«Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».**

*

20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Хуршиди жаҳон келди».** Хоразм халфачилик санъати.
22.00 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
24.00 Эълонлар.
00.05—00.20 **«Ахборот».**

ЎзТВ II

«ОМАД» тайиёрлади:
18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.05 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.20 «Кинонигоҳ».
22.00 «Теле-ателье-шоу».
22.10 «Табиат дунёси».
23.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
23.40 — 24.00 «Видеогид».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Абу-Бакар». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 «Бу ажиб дунё».
23.40 — 23.45 Янгиликлар.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Фармон ва ижро».
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 «Чинсэн».
22.10 — 23.10 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 22

ЎзТВ I

7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Эзгуликка интилиб».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
12.00 «Ассалом, япон тили!».
12.35 «Созимиз—овозимиз». Мусиқий дастур.
13.05 «Янги алифбони ўрганамиз».
13.35—15.35 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 «Табиат шайдолари».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театри артистларининг концерти.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 **«Мен ва дунё».**
20.25 **«Нон ва саломатлик».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Фарғона вилояти.**
22.05 Эстрада тароналари.
22.25 **«Хотира».** Халқ артисти Наби Раҳимов.
23.10 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Буюк Турон».
23.40 Эълонлар.
23.45 — 24.00 **«Ахборот».**

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси тайиёрлади:
18.30 «Уй ҳайвонот боғи».
18.55 «Кинотриада».
19.55 «Қувноқ сухбат».
20.25 «Шоҳсупа сари».
20.55 «Тошкент оқшомида».
21.55 — 23.25 «Кинематограф».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Саховат алифбоси». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 «Мармар жилоси». Телефильм.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

*

«ОМАД» тайиёрлади:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 Эълонлар.
20.55 Ўқув кўрсатуви. Математика.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Туркистон — умумий уйимиз».**
22.05 **«Олтин мерос».** Тўхтасин Жалилов.
23.05 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Нодир хазина».
23.15 Эълонлар.
23.20—23.35 **«Ахборот».**

ЎзТВ II

«ОМАД» тайиёрлади:
18.30 Болалар учун фильм. «Юра даври боғидаги саргузашт».
19.00 «Оламнинг яратилиши».
19.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05—22.45 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Нарзаналар водийси». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 «Ёшлик» студияси. «Мўъжизалар оламида».
12.50 — 14.00 «Сирли шарча». Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 ЎзТВ хазинасидан. Ў. Ҳошимов. «Инсон садоқати». Телеспектакль. 1-қисм.
19.05 **«Бизнинг интервью».** Ёш аёлларга одоб, ахлоқ мавзуида олимлар, кекса оналар маслаҳатлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 **«Фан фидойилари».** ЎзРФА мухбир аъзоси Раҳима Аминова.
20.40 **«Яна бир интервью».** Оилада эркакларнинг ўрни ва роли ҳақида.
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Волидангни рози қил».** Ахлоқ-одоб ҳақидаги мусиқий дастур.
21.45 «Ўзингни эр билсанг».
22.25 **Спорт тахририяти кўрсатади:** Бокс. Теннис. Футбол.
23.05 «Ёшлик» студияси. **«Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».**
23.45 Эълонлар.
23.50—00.05 **«Ахборот».**

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси тайиёрлади:
18.30 «Дунё болалари».
19.00 Ёшлар ижро этади. Тошкент Давлат консерваториясининг талабалари билан учрашув.
19.30 «Билиб қўйган яхши».
19.55 «Шаҳар юмушлари».
20.55 **«Саодат» билан учрашув.**
21.25 — 22.40 «Орзуларимиз қанотида». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Эзгу ишлар соҳили». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 «Жонли сайёра».
23.40 — 23.45 Янгиликлар.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

«ОМАД» тайиёрлади:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Кулгига нима етсин!» Ҳажвий кўрсатув.
21.15 «Америка юлдузлари». Жаҳон киноси юлдузлари ҳақида.
21.45 Эълонлар.
21.50 «Даракчи». Ахборот кўрсатуви.
22.00 Эълонлар.
22.05 — 23.45 Видео — «О».

ШАНБА, 25

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!»** Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Автомобилдан сақлан». Бадиий фильм.
10.30 «Саболарда орзу яшар». Мусиқий дастур.
11.00 **«Умр йўллари».** Толиб Йўлдош.
11.35 «Ёдингиздами». Кинокўрсатув.
12.15 «Санъат гунчалари».
12.45 «Ёшлик» студияси. **«Иқбол».** Қизлар беллашуви.
13.45 — 15.45 «Маънавият» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам». Маърифий кинодастур.
19.05 **«Салом, ёшлар!»**
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 **«Имкон чўққилари».** Гиннеснинг рекордлар оламида.
20.20 **«Ишингиз бароридан келсин!».**
20.30 **«Ўзбекистон янгиликлари»** (инглиз тилида).
20.40 **«Оҳанглар оғушида».** Дам олиш Кинодастури.
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Юлдузли онлар».** Дам олиш дастури.
22.25 **«Учрашув».** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожиакбар Нурматов.
23.25 **«Тунги ёғду».** Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» тайиёрлади:
9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
10.25 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
10.50 «Кинонигоҳ».
12.40 «Табиат дунёси».
13.20 «Теле-ателье-шоу».
13.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
14.10 «Видеогид».
14.30 — 18.30 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

«Тошкент» студияси тайиёрлади:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Менинг кўчам».
19.25 «Коллекция».
20.05 «Кичик дебют».
20.35 «Ҳамкасблар».
21.05—22.35 «Кинематограф».

ЎзТВ III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Болалигим ўтган уй». Телефильм.

*

18.20 — 21.40
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 — 00.05 «Интиҳосиз». Бадиий телефильм.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Айчурек» (қирғиз тилида).
10.40 «Безнен мирас» (татар тилида).
11.20 «Умид» (уйғур тилида).
12.00 «Мусиқий учрашувлар».
12.25 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
12.55 — 13.50 «Замандас» (қозоқ тилида).

* * *

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Миср киносанъати».
21.00 «Рангинкамон» (тожик тилида).
21.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.55 «Салом, Франция!».
22.35 «Бу ажиб дунё».
22.55 — 23.05 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

ЯКШАНБА, 26

ЎзТВ I

7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 **«Камалак».** Болалар учун кинодастур.
10.00 **«Ватанимга хизмат қиламан».**
11.00 «Муҳаббатим куйлайман». Мусиқий композиция.
11.30 **«Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».**
12.10 **«Спортландия» — «Қувноқ стартлар» меҳмони.**
13.10 **«Қишлоқ ҳаёти».**
14.10—16.10 «Нурли келажак». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **«Сирли сандиқ».** Телевизион ўйин.
19.00 **«Ойнаи жаҳонда...».**
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Панорама»** (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 **«Руҳи равоним — эътиқод».** Бобур.
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ҳафтанома».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Қўшиғимдасан, Ватан!».** Телетанлов тақдимаси.
22.35 «Малласоч малика». Бадиий фильм.
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.20 **«Ҳафтанома».**

ЎзТВ II

«ОМАД» тайиёрлади:
10.00 Болалар учун фильм. «Юра даври боғидаги саргузашт».
10.30 «Оламнинг яратилиши».
11.00 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.35—14.15 «Кинонигоҳ».

***

17.00 «Дунё географияси».
17.50 Эълонлар.
17.55 Видео — «О».
19.35 Эълонлар.
19.40 «Қурьер».
20.00 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.10 «Кулгига нима етсин!».
20.35 «Компьютер—Осиё».
20.55 Видео янгиликлари.
21.15 «Теле-ателье-шоу».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Даракчи».
21.40 Эълонлар.
21.45—23.25 Видео — «О».

ЎзТВ III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Тоғ йўллар қўшиғи». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.25 — 22.50

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.50 — 23.20

*

23.20 Телефильм.
23.35 — 23.55 «Панорама» (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». Мультфильм.
10.30 «Менинг кўчам».
10.45 «Эрталарнинг сеҳрли олами».
12.25 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.35 — 13.20 Болалар учун. «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб».

* * *

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Ёшлик оқшоми».
20.15 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.40 «Олам ва одам».
21.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.15 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.25 «Бу ажиб дунё».
22.45 «Мюзик-холл».
23.15 — 23.25 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

ҒАНИМАТ ДУНЁ

БУ оламга келадилар, кетадилар. Қанотларида ипак шаббодалар олиб, сайроқлари бир жаҳон қушлар келиб-кетадилар. Бағритош қояларнинг кўксида тилла туёқчаларининг ўткирлигини синагани, булоқ сувидан тўйиб-тўйиб шимиргани кийикчалар келиб-кетадилар. «Шамолнинг беланчаги»да қулф ургани наъматаклар ҳам ўзларини бўронду, чақмоқлар оғушида синаб кўрадилар. Баҳор фаслини безаган хомуш ғунчаларнинг чиройини очгани бийрон булбуллар ҳам келиб кетадилар.

Онанинг бағрини тўлдиргани сут ҳиди анқиган гўдак келади. Унинг пойида майсалар жилмайиб ётадилар. Майсаларнинг ҳам дунёдан олиб кетгани — ўша оғриқли ҳузур — гўдакнинг яланг оёқлари тафти ва зарби бўлади.

Бу оламга келадилар, кетадилар. Ушбу икки сўз оралиғидаги жуда қисқа ва жуда узун масофа — умр деб аталади.

Савоб, инсоф ва тавбага мойил кўнгил кечираётган умр дунёни оқар дарё мисол сероб этади. Аҳли донишлар дунё ғаниматлигини жуда эрта англайдилар. «Бешиқдан то қабргача» илм излайдилар. Дилозорлик қилмайдилар, хиёнатга юз тутмайдилар.

Кетаётган қушнинг қанотларида, кийикчаларнинг гўзал кўзларида, хомуш ғунчалар ибосида, булбул фиғонида бир нидо: «Дунё ғаниматдир, бохабар бўл», — деган садолар келади.

Дарвоқе, ҳамма сир ҳам ғаниматдир дунёни тушуна билишда. Бу дунёга қай тарзда келишда, қай тахлитда кетишда...

БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ

ХАЁЛЛАРДА тез-тез болаликка қайтаман... Биз бир этак болалар кундузги ўйину юмушлардан толиқиб, ҳамиша ҳурҳур эсадиган шамоллар маскани бўлган боғдаги супада ухлаб қолардик. Тепамизда юлдузлар, йирик-йирик юлдузлар чарақлаб ётарди. Гўё шамоллар эмас, ипак қанотли фаришталар юз-кўзларимизни меҳрибонлик билан силларди. Онамнинг ҳазин аллалари шамоллар билан қўшилишиб, бизни эркаларди, бизга тинч уйқу тиларди. Тонгда эса яна ўша меҳрибон товуш бизларни уйғотарди: «Турақолларинг, кўзичоқларим, қуёш чиқди. Турақолларинг...»

Ҳали ҳанузгача хайратланаман. У товушмиди, сеҳрмиди ёки Она деб аталмиш улуғ зотнинг қалбидаги муҳаббатнинг сўзлардаги ифодасимиди? Нима бўлганда ҳам ғафлат уйқусидан бизларни сачратиб оёққа қўядиган бу сўз жуда меҳрибон, жуда ширин эди. Бу сўз тилга кўчмасдан бурун нигоҳлардан бошланарди. Қадоқ қўллардан бошланарди. Ҳамон шундай: кексайиб, нигоҳлари хиралашиб қолган Онам бизни — сочлари оқарган фарзандларини ўша сўзлар ила сийлайдилар, сероб этадилар. Бир оғиз ширин сўз билан катта кенгликларга, дунё ташвишларидан толиқаёзган қалбимизни бирдан олиб чиқадилар... Ҳа, бирдан олиб чиқадилар...

Она, сочларимга бугун оқ тушди,
Ҳикматларга сиздек тўла олдимми,
Қушчаларга сиздек ризқ улашдимми,
Сиз каби меҳрибон бўла олдимми?
Ҳамон гўдакларни эркалаб, суюб,
Киприк ила асраб кўнглингиз тўлар.
Менинг нигоҳимдан дувва учган қуш,
Сизнинг бағрингизга беҳадик қўнар.
Она, сочларимга бугун оқ тушди,
Ҳаёлларда доим сизга кетаман,
Ҳамон юпанч истар телба кўнглимни,
Ҳоки пойингизга элтаман...

Оналар ҳамиша шундай. Улар гўзал умрларини, гўзал соғлиқларини, гўзал сўзларини фарзандлари учун бахшида қиладилар.

«Болани қаттиқ қойимагин, бети қотиб кетади», — деб ўргатадилар.

«Дилозор бўлма, дилозордан худо безор», — деб насиҳат қиладилар.

«Ўзингдан катталарга салом бер, юзига тик қарама, гуноҳ бўлади», — дейди улар.

«Бўғдой нонинг бўлмасин, буғдой сўзинг бўлсин», — деб таъкидлайди улар.

Мен бўлсам яна хаёлларга чўмаман. Оналаримиз айтган бу ҳикматлар асли тилимиздан учадиган бир оғиз ширин сўзнинг ўқ томирлари-ку...

Ризқ-насиба тортиб кимнингдир остонасига қадам қўймокчи бўлиб турганингизда, мезбоннинг ҳатти-ҳаракатига, сўзига қараб ичкарига ё қадам қўясиз ё қўймайсиз. Мезбоннинг тили ширин бўлса, бир оғиз сўзини ширин қилиб айтиб кўнглингизни ололса, ўша хонадондан мамнун кетасиз. Яна ўша даргоҳга қайта-қайта боргингиз келади.

Остонаси муздан бўлган хонадонлар менинг назаримда ҳамиша бефайз, ҳувиллаб ётади. Чунки у хонадонни бир оғиз ширин сўз аллақачон ташлаб кетган.

Сўз кибрга, манманликка ошно тилни севмайди. Ундай тил ҳанжарга айланади.

Бундан бир неча йил аввал шифокор опамиз шундай воқеани ҳикоя қилиб берган эдилар.

Бир оилага ёлғизгина қиз келинчак бўлиб тушибди. Қиз ўсган муҳит жанжал нималигини, қўпол сўз нималигини билмаган. Осойишта, бир маромдаги ҳаёт қизнинг ҳам оламга катта ишонч билан ўсишига сабаб бўлган. Қиз қўркам бўлган, ширин сўз бўлган. Оиладаги гўдакларгача сизлаб гапирган. Эркаланиб гапирган. У келин бўлиб тушган хонадонда эса бунинг акси бўлган. Оила аъзолари кесатиксиз, пичингсиз, ҳақоратсиз гаплаша олмаган. Янги келин келганида бироз муддат ўзларини ниқоблаб юрган, аммо маълум вақтдан кейин ўрганган кўнгил-да... ўзининг асл қиёфасига қайтганлар. Келинчак бундан қаттиқ қийналган. Ўзига қаратилган турли «тирноқ остидан кир қидириш» каби ҳолатларга ҳам кўникишга ҳаракат қилган. Аммо, кун сайин ранги сарғайиб борган. Келинчак энди она бўлишга тайёргарлик кўра бошлаган. Уйдаги дилозорликларни ота-онасига етказишга истиҳола қилган. Бир куни яна катта жанжал бўлган. Қайнона, ўғил уни оқбилакликда, ширин сўзлилиги учун тилёғламаликда айблаган. Келинчак йиғлаб хонага кириб кетган. Яна сўз қайтаролмаган. Ўша бўйи у хонада узоқ йиғлаб ўтирган, ҳолсизланган, узоқ асабий ҳолатни руҳияти кўтаролмаган. Врачлар уни касалхонага олиб келишганда кеч бўлган. Толиққан асаблар ўз ишини қилган. Келинчакнинг гулдек умри ниҳоя топган.

«Шунда унинг туғилажак фарзанди энди олти ойлик бўлган эди, келинчак шундай гўзал эдики, мен уни шундай яхши кўрар эдимки, — деганди кўз ёшларини тўхтатолмай шифокор.

Ҳа, чиндан ҳам:

Сўз зарби бешафқат.
Сўз зарби кескир
Юракни сўяди: совуқ, хотиржам.
Тоғларнинг беадад юкини олиб,
Бостириб келади устингга олам,
Аросатда қолган вужуд бемажол,
Юрак азобини сезмайди. Карахт.
Худди кўз ўнгингда гурсиллаб қулар,
Ногоҳ яшин урган навқирон дарахт.
Оҳ, бунча инграниб оқаётир куй,
Ким бунча азоблаб чалмоқда найни.
Шодликсиз, қувончсиз инграб, изиллаб,
Юракда етим бир дунё йиғлайди.

Паркент туманининг Заркент қишлоғида бир онахон бор. Биз уларни ҳамиша севиб, оддийгина қилиб Ойдин опа деймиз. У киши бу йил етмиш бешдалар. Аммо хонадонлари ҳамиша гавжум. Биз ҳам ҳар йили зиёратга борганимизда албатта табаррук онахонимизни кўрмай ўтмаймиз. Остонадан қадам қўймасингиздан ўйлайсизки, улар нафақат ширин сўзларини, лозим бўлса жонларини поёндоз қилиб юбораётган бўлади пойингизга. Ҳовлиларида онахоннинг райҳонлари, жамбиллари, атиргуллари ўзларидек чарақлаб ётади. Уларнинг бир оғиз ширин сўзларини тинглашнинг ўзи роҳат. Сиздан минг бор айланиб ўргуладилар, дуога очиқ қўллари сизга ва оилангизга ҳамиша файзлар, барокатлар тилайди.

Ўнта фарзандни вояга етказиб, ўзлари ҳалигача қушдек тиним билмайдиган бу онахон менга бир оғиз ширин сўзнинг, ҳаммамиз ҳамиша излайдиган, интиладиган бир оғиз ширин сўзнинг гўзал намунаси бўлиб туюлади.

Онахонга қараб, яна хаёлларга бериламан, агар инсон ўзи истаса, тили орқали жаннатлар яратади, истамаса, аксинча, сўз азоби бир умр суяқдан кетмайди.

Мен Аллоҳ бандаларининг барчаси юмшоқ сўзлари ила кўнгиллар боғини чаман айлашларини жуда-жуда истайман. Зеро, бу оламга барчамиз келаверамиз ҳам, кетаверамиз ҳам.

Шарифа САЛИМОВА.

Қутлов ўрнида

ДЎСТЛАРИМ, НЕ БЎЛСА ТЕНГ КЎРАРИМ СИЗ...

Таниқли уйғур шоири ва драматурги Рўзи Қодирий 70 ёшга тўлди. Асли Қашқар шаҳри яқинидаги Тошмалик қишлоғида туғилиб ўсган шоир 1955 йили тақдир тақозоси билан Тошкентга кўчиб келган эди ва шундан буён бадиий ижод билан машғулдир.

Рўзи Қодирий ўнлаб шеърий ва драматик китоблар муаллифидир. Асарларида асосан дўстлик, меҳр-муҳаббат, юксак инсоний фазилатлар ҳақида куйлайди. Қуйида унинг шеърларидан айрим намуналар ўқийсиз.

ДЎСТЛАРИМ

Ҳар тонг салом берар, ҳол сўрарим Сиз,
Дилимни ёқар сухбат қурарим сиз.
Қоқилсам, суянчим, бир юрарим сиз,
Мушкулларни осонга бурарим сиз.
Қувончга, севинчга тўлдирарим сиз, —
Дўстларим! Мадад, илҳом берарим сиз.
Кўз узмадингиз отам мисоли
Меҳрга беладингиз онам мисоли
Ёнимдасиз — укам, акам мисоли
О, жонқуяр синглим, опам мисоли
Шафқат дунёсида бош ғамхорим сиз,
Қувватим, мадор узра мадорим сиз,
Ҳаётимни қутлуғ хуш, азиз этган.
Дамларимни қиммат ва лазиз этган,
Қалб гулшанингиздан гул териб тутган,
Бир жонимга минг бир жон қўшаётган,
Дўстга жони фидо, жон тутарим сиз,
Дўстларим! Не бўлса тенг кўрарим сиз.
Ҳамният, ҳамрозим ўзингиз фақат,
Сизгадир дунёча меҳру муҳаббат, —
Яхшилик кўридан абадилабад
Дўстлик бу, жисмига жондир садоқат.
Шу сабаб севганим ва севарим сиз,
Дўстларим! Жонхумор, дилхуморим сиз
Сиз қурган дўст жаҳон бағрин бўйласам,
Дилим қатларига сизни жойласам,
Ўзимга сиғмасман сизни сўйласам,
Тан-жоним яйрар боз Сизни куйласам,
Дам-бадам яшнайман, яшнатарим Сиз,
Дўстларим! Ёшариш узатарим сиз.
Ўйда ҳам, йўлда ҳам, ишда ҳам Сизни
Ўйлайман кўмагу мададингизни,
Бегараз ва бегард ниятингизни,
Жаҳонга ҳайқиргум ҳимматингизни,
Оламга танилган ҳимматдорим Сиз,
Дўстларим! Дўст олам ичра норим Сиз!

ЎҒЛИМГА

I

Ҳуррият бахш этди уйғоқ онг-шуур,
Хўш, уйғоқ туйғунг-ла, жўшиб, тошиб тур!
Ботир Тангриқутнинг изларидан юр
Хурликка посбон бўл, довюрак, жасур!
Сен ҳам мендек беҳол эдинг ўтган кун,
Эҳ, етим кўзидай бузлардинг беун,
Бўзлаб, излаганинг юз очди букун
Етдинг муродингга, бўлдинг доим ҳур,
Мисоли ўхшагил тошқин булоққа,
Жўшиб оқ, тўсиқни йўқот ҳар ёқда,
Текис оқимлар сол узоқ, узоққа,
Туроний авлодга шодлик улаштир!
Сезолдим руҳингда мусовот нақшин,
Кўрдим кўзингда нур чақноғин аксин,
Ҳис этдим жасорат ва сабот аксин,
Озод Туркистонга журъат улаштир!

II

Жамики ёш-қари уйғонди, ўғлим,
Буюклик жанггига отланди ўғлим,
Ҳар дилда ғайратдан ўт ёнди, ўғлим,
Сафлар олдида бор, мағрурдан мағрур!
Очкўзликка қарши ўт очгил шиддат,
Харомхўр, таъмагир қурисин фақат,
Бу юртда бўлмасин бирон очофат,
Беимон, бемаслак изларин ўчир!
Ёлғончи кўп ишни қилдилар чатоқ,
Уни эл ишига йўлатма мутлоқ!
У хоин, у ёвуз, у бузуқ, саёқ
Йўлларини тузгил, аҳдини куйдир!
Саботинг мустаҳкам бўлғонин туйдим,
Иродангни тоғдай қилғонинг туйдим,
Кун сайин қувватга тўлғонинг туйдим,
Боқишингдан аён, баёндир, ахир
Ғайратинг кескинлат ҳар доирада,
Асқарсан, ҳаттоки ҳамма борада.
Ростлик, тўғрилик шарт ҳам ирода,
Ёлғонни, алдовни фош айла бир-бир
Очилсин хуфёна, хиёнатли сир!
Турон ўлкаларин жондошлигини,
Яралгандан бери қондошлигини,
Ишдош, қурашдошлик, издошлигини,
Қисматдошлигингни айлагил дастур!
Миллат катта-кичик бўлмас ҳеч қачон
Тақдир азалдан тенг, шакланма ҳеч он!
Ҳаммага баробар миллатлик унвон,
Инсонпарвар бўлғил, нур устига нур
Улуғлик мақоми сон эмас, сифат,
Юксаклик чўққиси даҳо ва ҳикмат
Кўпликни пеш қилмоқ ёмон бир иллат!
Бу иллат илдизин куйдир бирма-бир!
Гумроҳлар, киборлар, қувлар йўқ эмас,
Улар зиёндошдир бир-биридан пас!...

Рўзи ҚОДИРИЙ

«ҚАРЧИҒАЙ»МАН ДЕГАНИ «ОЛАҲАККА» ЭКАН

...ОЧИҚ суд давом этяпти. Ҳамманинг нигоҳи тўсиқ ортидаги қора курсида кўзларини ердан узолмай ўтирган қадди букик, боши эгик йигирма тўрт ёшлардаги йигитда. Кўплар — унинг ҳамқишлоқлари, Ўртачирчиқ туманининг Янгиҳаёт қўрғонилик кишилар. Биров ачиниб қараса, бошқалар «баттар бўл», дейди. Уларнинг аксарият қисми Баҳодир Ёрматовдан жабр кўрганлар. Суд мажлисига раислик қилаётган М. Расулов унга «сўнгги сўз»ни берганида, Ёрматов ўрнидан турди-ю, аммо, ўзига нигоҳини қадаб ўтирганларга боқолмай, ер сузиб, «ҳамма айбларимга икрорман, ҳали ёшман, шуни эътиборга олиб, енгилроқ жазо беришингизни сўрайман», дея олди холос.

Ҳамма воқеа Мария Копилева «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги ҳудудидаги дала-ҳовлисидан анчамунча нарсаларни ўғирлаб кетилгани тўғрисида Ўртачирчиқ тумани ички ишлар бўлимига ариза билан келган кундан бошланди. Бўлим терговчиси М. Элчиев шу кундан эътиборан кунларни тунларга улаб ишлади. Кишилар билан суҳбатлар, суриштирувлар, текширувлар жуда кўп вақтни оларди. Шу орада бошқа кишилар ҳам ички ишлар бўлимига шунга ўхшаш жиноятлар содир бўлгани ҳақида шикоят ва ариза-лар билан кела бошлашди. Ва ниҳоят бу ишларнинг ҳаммасини фақат бир киши — Янгиҳаёт қўрғони Тинчлик кўчасидаги 43-ўйда яшаётган, ҳеч қаерда ишламайдиган, ғирт бекорчи Баҳодир Ёрматов қилаётганлиги маълум бўлди.

...У дастлабки ўғирликни шу қўрғоннинг Баҳор кўчасидаги Карима Турсунова деган аёл яшайдиган 36-ўйдан бошлади. Ярим тунда ўйнинг деразасини бузиб кириб, телевизор ва стабилизаторни олиб чиқиб кетди. Ўғри «ўлжа»ни уйига кўтариб келгунича роса терлаб-пишди. Ана шунда «қанийди, машинам бўлса-ю, жон қойитмай юкларни истаган жойимга осонгина ташиб олсам», деган фикр хаёлидан кечди. Кейинчалик шу ҳақда яна кўп марта ўйлади. Аммо, машина сотиб ололмаслигини, қўли қисқалигини ҳам биларди. У машинали бўлишнинг турли йўлларини режалаштирди, «ўғрига мол қаҳатми», деган қароргa келди ва оддий ўғирликдан қароқчилик йўлига ўтишнинг миридан-сиригача ҳисоб-китобларини қилиб чиқди.

У шундай ниятда ёз кунларининг бирида куппа-кундуз куни ёнига пичоқ солиб, Янгийўл шаҳридаги автобус бекатига келганида 3—17—32 ТШ рақамли «Жигули» автомашинаси шу ерда турарди. Унинг эгаси Вагаш Амирян Баҳодирни йўловчи деб билиб, «қаерга бормоқчисиз?» деб сўради.

— Тўртинчи ГЭСга бормоқчиман, элтиб қўйсангиз, яхшилаб хурсанд қилардим, — деди Ёрматов ўлжа ўз оғзидан илинганидан хурсанд бўлиб.

— Ўтиринг, — Амирян шундай деди-да, орқа ўриндиқ эшигига ишора қилди. Шу топда у 4-ГЭСнинг овлоқ жойда эканлигига ҳам, мижознинг кўзлари хунук ялтираб турганига ҳам эътибор бермади. Унинг ҳаёлини мана шу мижоз берадиган мўмайгина акча эгаллаб олганди.

Орадан кўп ўтмай, айтилган жойга ҳам етиб келишди. Хувиллаган чекка, қимирлаган жон йўқ. Баҳодир чўнтагини кавлаб, пул ўрнига ялтираб турган пичоғини олди-да, Амиряннинг бўйнига солиб юборди. Шундан кейин дуч келган жойига ураверди. Ўлишига кўзи етган Амирян жон ҳолатда пичоқ тиғидан ушлаб, ўзига тортган эди бандидан синиб кетди. У тиғ билан қароқчига ҳамла қилиб, уни ҳам бир-икки марта уришга улгурди. Аммо, қон кўп кетиб, кучсизланиб бораётганини сезди-ю, қочиб кетишга улгурди. Баҳодир Ёрматов эса вақтдан фойдаланиб, машина рулига ўтирди-да, шамолдай елиб кетди. У мақсадига эришганлигидан хурсанд эди. «Аканг қарағай қарчиғай чиқди, мана энди ўғирликнинг қандай бўлишини кўриб қўйишсин», деб хаёлидан ўтказди.

• Жиноят ва жазо

Ҳушидан кетаётган Амирян эса югурганича узоқда кўриниб турган уйларга етиб борди. Одамлар унга ёрдам бериб, касалхонага элтишди. У шу ерда ётганида туман ички ишлар бўлимига шикоят—ариза жўнатди.

Баҳодир Ёрматов машиналик бўлиб олгач, уни Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилоятидаги Пахтаорол туманига ҳайдаб кетди. Шу тумандаги Свердлов номли давлат хўжалигининг «Маяк» бўлимида унинг амакиси Нурмат Ёрматов яшарди. Баҳодир машинани дарвозадан ҳайдаб кириб бориб, бойваччаларга тақлид қилганича, калитни қўлида ўйнаркан, амакисига «машинани сотиб олдим, аммо, уни ҳужжатларини ҳали расмийлаштирганимча йўқ, унгача машина сизникида туради», деб ишонтирди.

Машинанинг ичида Вагаш Михайловича тегишли бўлган ҳайдовчилик гувоҳномаси, огоҳлантириш талони, автомобилнинг техник паспорти бор эди. Шуларни чўнтагига солди-да, Янгиҳаёт қўрғонига қайтиб, шу ерда яшовчи Станислав Суховченконинг эшигини тақиллатди. Автомашина марҳум бобосига тегишли эканлигини, ҳужжатларини ўзининг номига расмийлаштириб беришни илтимос қилди, бирталай пул беришини айтди. Шу пайтда Суховченконинг ҳам қўли қисқалик қилиб, пулга зор бўлиб турган эди. Осонгина кўнақолди. У Вагаш Амирян номига берилган ҳайдовчилик гувоҳномасини, огоҳлантириш талони ва автомашинанинг техник паспортини олиб, улардаги ёзувларни ўчириб, ювиб, тозалади-да, Баҳодир Ёрматовнинг фамилияси ва исмини ёзди. Техник паспорт ва ҳайдовчилик гувоҳномасига ҳам бир қатор ўзгартишлар киритди. Ёрматовнинг фотосуратини гувоҳномага ёпиштириб, унинг четига вилоят ИИБ ДАН бўлимининг айланма муҳри тасвирини чизиб, буюртмачининг барча илтимосларини тўла бажарди.

Баҳодир Ёрматов ҳам машинали, ҳам ҳужжатли бўлиб олгач, ўғирликни авж олдиргандан олдираверди. У Ўртачирчиқ туманидаги «Ҳақиқат» жамоа хўжалигида жойлашган Шамил Тинчиревга қарашли дала-ҳовлига ярим тунда келди-да, шу ердаги барча жиҳозларни — газ плитасидан газ баллонларигача, кресло ва столлардан радио ва дазмолларгача машинага ортаверди. Ундан на канистрлар, на электр печлари, на куртка, духовкалар, қўйинг-чи, магнитафон, митти кассеталар ҳам қолмади. Орадан бир неча кун ўтказгач, Мария Копилеванинг дала-ҳовлисига келиб у ердан ҳам телевизор, магнитофон, электр плиталари ва бошқа қимматбаҳо жиҳозларни ўмариб кетди. Аммо, ўзининг абжирлигига ўзи тан бериб, сира ҳам ушланмаслигига ишонган Ёрматов охири қўлга тушди. Терговчилар унинг барча қилмишларини бир чеккадан фош этдилар. Суд пайтида у буюмларнинг бир қисмини сотиб, бир қисмини кимларнингдир уйига яшириб қўйганлигини тан олди. Ҳа, «қарчиғай» амалда қарчиғай эмас, «ўғри олаҳакка» бўлиб чиқди. Ҳакка ҳам кўзига кўринган нарсани ўғирлаб, инига ташмалар экан. Баҳодир Ёрматов ҳам ўғри ва қароқчиликни касб қилиб, кўпларнинг пешона тери тўкиб топган бойлигини тунлар бўйи ташиб-ташмалаб юрди. Мана, ўғрилик хўрлик келтиради, деганларидай, энди у суднинг қора курсисида ер чизиб, одамларга қарайолмай ўтирибди.

Вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов коллегияси очиқ суд мажлисида Баҳодир Ёрматовнинг барча жиноятларини таҳлил қилиб, уни ўн етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш, жазони қаттиқ тартибли колонияда ўтказиш, мол-мулкини эса давлат фойдасига мусодара қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Қароқчи қилмишига яраша жазосини олди.

Р. ТУРСУНОВ.

САҲНАДА ЯНА «РАВШАН ВА ЗУЛҲУМОР»

ШУ КУНЛАРДА Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театрида «Равшан ва Зулҳумор» спектаклини қайта саҳнага олиб чиқиш ишлари бошлаб юборилди. Томошабинлар Ўзбекистон халқ артисти Наби Халилов бош дирижёр ва Носир Отабоев бош режиссёрлик қилаётган ушбу спектаклдаги мушфиқ она ролида театрнинг етакчи актрисаларидан, Ўзбекистон халқ артисти Фароғат Раҳматова, республикада хизмат кўрсатган артистлар Наима Пўлатова, Марям Ихтиёрова, Адиба Мирзаева ҳамда Дилором Сафоеваларни кўриб, улар санъати, маҳоратидан баҳраманд бўладилар.

Шуниси қувончлики, ушбу спектакл ўзбек миллий мусиқа санъати ривожига баракали улуш қўшган устоз санъаткор Тўхтасин Жалиловнинг 100 йиллик хотира кечасида илк бор намойиш этилади. Дарҳақиқат, муайян спектаклнинг ҳақиқий баҳосини томошабинларнинг ўзлари бериши шак-шубҳасиздир.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

Билиб қўйган яхши

ШАРБАТМИСАН, ШАРБАТ...

ХАЛҚ табобатини ёқтирувчилар катрошка шарбати соғлиқ учун ниҳоятда фойдали эканлигини, унинг ошқозон кислотасини бир меёрда ушлаб туриши ва ичаклар фаолиятини яхшилашини биладилар. Яқинда немис журнали «Фюр дих» ҳам унинг фойдали эканлигини таъкидлаб шарбат тайёрлаш йўлларини маълум қилди.

Картошка шарбати истеъмол қилиш олдидан тайёрланади. Картошканинг пўстлоғини артмай туриб яхшилаб ювилади. Сўнг уни қирғич билан қириб, докада ёки шарбат сиққичда эзиб суви чиқарилади.

Шарбатни бир ичганда 50 грамм истеъмол қилиш керак. Унга қўшиладиган бошқа мева шарбатлари билан бирга 100 граммдан ошмаслиги лозим. Картошка шарбатига асал ҳамда сабзи, саримсоқпиёз, лимон, апельсин шарбатларини, шунингдек қатиқ ёки кефир аралаштириб ичиш мумкин.

«Ал-Фаросат»

Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси

ҚУЙИДАГИЛАРНИ НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТАДИ:

- ROYAL - 125 NX, SHARP XE-A120 назорат касса машиналари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 18.10.1995 йил 183 рақам билан давлат реестрига киритилган);
- шунингдек SHARP XE-A120 назорат касса машиналари векселга ҳам сотилади;
- назорат-касса машиналари учун қоғозлар;
- 486 маркали компьютерлари;
- буюртмачи хоҳишига қараб бошқа ҳар қандай кўринишдаги компьютерлар.
- Телефон аппаратлари, нусха кўчириш аппаратлари, аудио ва видео кассеталари;



ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ:



- назорат-касса машиналарини ўрнатиш ва ишга тушириб бериш;
- назорат-касса машиналарида ишловчи мутахассисларни ўқитиш;
- компьютерлар учун дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш;
- локал ҳисоблаш тармоқларини ўрнатиш;
- монтаж қилинадиган ЛВС кабель каналлари. Улар орқали ахборот тармоқларини улаш ва кейинчалик таъмирлаш (Кабелларнинг уч хили бор).

Бизнинг товарларимиз ва хизматимиз сифатли, ишончли, қулайдир.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. «Афросиёб» дўконининг «Ал-Фаросат» махсус бўлими.

(Мўлжал: Алишер Навоий номли театр).

Маълумотлар учун телефонлар: 36-55-18, 36-21-46.
Тел/факс: (3712) 36-73-44.

© «Tashkent-Time's»

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги
Ўзбек давлат эстрадаси
ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
29 — 30 ноябрь, 1 — 2 декабрь соат 19.00 да,
3 декабрь соат 14.00 ва 18.00 да
«СИЗНИ СЕВМАСЛИККА ҲАҚҚИМ ЙЎҚ»
ДОНИЁР ТОШМУХАМЕДОВ
Ўз янги дастурини тақдим этади
Чипталар «Халқлар дўстлиги» саройининг кассаларида соат 10.00 дан сотилади.
Жамоалардан жам бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.
Мурожаат учун телефонлар: 44-56-07, 45-92-51.

ТАШКИЛОТ КАССА АППАРАТЛАРИНИ
(фискаль хотирали, кафолатли)
СОТАДИ
Шунингдек, унда ишлашни ўргатади ва сервис хизмати кўрсатади.

ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!
ОЛОЙ БОЗОРИНИНГ
МАРКАЗИЙ ҚИСМИДАГИ САВДО МАЖМУИДА
сизнинг тадбиркорлигингиз ва тижоратингизнинг равнақ топиши учун
САВДО ВА ОМБОРХОНА БИНОЛАРИ ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ
ТЕЛЕФОНЛАР:
36-34-34,
33-20-67,36-14-44.

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги 1995 йил 1 октябрда № 131-04 рақамли «ЁҚИЛГИ ЧАКАНА НАРХИ» янги нархномасини тасдиқлаган.

ШУ АСОСДА ТАБИИЙ ГАЗ ИСТЕЪМОЛИ ТАРИФИ ЎЗГАРДИ:

— Газ плиталари ва таом пишириш газ ускуналари ўрнатилган (доимий марказлашган иссиқ сув манбаи билан таъминланган) хонадонларда бир ойга бир киши учун газга тўланадиган ҳақ — 68 тийин.

— Газ плиталари ва таом пишириш газ ускуналари ўрнатилган (доимий марказлашган иссиқ сув манбаи билан таъминланмаган) хонадонларда бир киши учун газга тўланадиган ҳақ — 94 тийин.

— Иссиқ сув билан таъминланиш учун газ сув иситгичлари бор (доимий марказлашган иссиқ сув манбаи ёки вақти-вақти билан ишловчи иссиқ сув манбаи бўлмаган) хонадонларда бир киши учун бир ойга газга тўланадиган ҳақ — 68 тийин.

— Хусусий хонадонларни иситиш учун, сув иситиш газ асбоби турига боғлиқ бўлмаган ҳолда 1 йилда 5 ой иситиш мавсумида 1 м² иситиладиган юза учун газга тўланадиган ҳақ — 41 тийин.

— Уй ҳайвонларига озуқа тайёрлаш ва санитария ҳолати учун сув иситишга кетадиган газга тўланадиган ҳақ:

бир бош ОТ учун — 42 тийин,
бир бош ҚОРА МОЛ учун — 1 сўм 78 тийин,
бир бош ЧУЧҚА учун — 94 тийин,
бир бош ҚУЙ (эчки) учун — 16 тийин.

—АҲОЛИ ШАХСИЙ ТАНДИРХОНА, ОШХОНАЛАРДА ТАБИИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИГИ УЧУН ТЎЛАНАДИГАН ҲАҚ КОММУНАЛ-МАИШИЙ КОРХОНАЛАРГА ҚУЙИЛГАН ЭРКИН КЕЛИШИЛГАН НАРХ АСОСИДА ТЎЛАНАДИ. Газ сарфланиш миқдорини газ асбобларининг энг юқори қуввати ва келишилган иш тартибига асосланган ҳолда ҳисобланади.

Ҳурматли ўртоқлар!

Сарфланган газ ҳақини ўз вақтида тўлашни Сиздан илтимос қиламиз. Ўзгарган иситиладиган юза, одам ва уй ҳайвонлари сони ҳақида туман ёки шаҳар газ идорасига ўз вақтида маълумот беришингизни сўраймиз.

«ТОҚВИЛОЯТГАЗ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ СИЗ ТАБИИЙ ВА СУЮҚ ГАЗГА ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ҚАРАЙСИЗ ДЕГАН УМИДДАДИР.

Акмал Икромов туманидаги «Девиз» кооперативи
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар бир ой давомида қабул қилинади. Мосгородок кўчаси, 8.

«Паркентсувқурилиши» трести жамоаси трест бошқарувчисининг ўринбосари Ш. М. Маҳмудовга отаси **Мирзаакбар МАҲМУДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси жамоаси қўмита раиси Баҳром Гофуровга укаси **Икромжон ГОФУРОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Муҳаррир **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0493. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.00.